

БОБУР ВА БОБУРИЙЛАРНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

BABUR AND BABURIDS IN THE HISTORY OF WORLD CULTURE

«Фан»

БОБУР ХАЛҚАРО ФОНДИ



БОБУР ВА БОБУРИЙЛАРНИНГ ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

Халқаро илмий анжуман материаллари

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2008

Нашрга тайёрловчилар:
С.ҲАСАНОВ, О.АЛИМОВ.

Масъул муҳаррирлар:
Ғ.СОТИМОВ, А.ИБРОҲИМОВ.

Таҳрир ҳайъати:
А.ҚАЮМОВ, Т.МИРЗАЕВ, Д.АЛИМОВА,
Ҳ.ҚУДРАТУЛЛАЕВ, С.КАРИМОВА,
Ҳ.БОЛТАБОЕВ, Ҳ.ДАДАБОЕВ

ISBN 978-9943-09-645-5

© Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти, 2008 йил.

СЎЗ БОШИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврининг баркамол фарзанди ва комусий билимга эга шахс бўлган. У ўзининг ғайратшижоати, ўткир ақли, нозик таъби, юмшоқ қалби, фаолиятининг кўпқирралилиги билан кишини ҳайратда қолдиради. У йирик давлат арбоби, саркарда, истеъдодли олим, дилбар шоир, санъат шайдоси ва соҳиби, оташин қалбли ватанпарвар эди. Бобурга подшоҳ сифатида мамлакатнинг ободончилигини таъминловчи марказлашган давлат тузиш ташвиши тинчлик бермас эди. У ҳақда Бобур фаолиятини тадқиқ этган машҳур олим Гарольд Лэмб 1960 йили шундай деб ёзган: "...Бобур, Улуғбек Самарқандда тутгандек йўл тутди, ўзини фақат ҳукмрон шоҳ деб-гина эмас, балки инсон, мамлакатни идора этишга жавобгар шахс деб билди... Унинг фавқулоддаги фазилатлари Акбардан бошланган буюк империясида бир умрга ўз изини қолдирди".

Юксак ақл-идроки, букилмас иродаси ва ғайрат-жасорати туфайли Бобур Мовароуннаҳрда эришса олмаган мақсадига Ҳиндистонда эришди. У Ҳиндистон тарихида буюк тараққийпарвар роль ўйнаган марказлашган Ҳинд давлатига асос сола олди.

Бобур ўзининг қисқа ҳаёти давомида жуда катта адабий ва илмий мерос қолдириб кетди. У она тилиси бўлган ўзбек тилида ҳамда форс-тожик тилида ижод этди. У мусиқа ва ҳарбий ишга доир рисолалар ҳам ёзган. Бобур Мирзо улуғ шоир ва адиб, комусий илм соҳиби, айни замонда моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби ҳам эди. Унинг шеърий девони, "Бобурнома", "Аруз рисоласи", "Хатти Бобурий" рисоласи, "Мубаййин", "Рисолайи Волидийа" рисоласи (таржима) каби илмий ва бадиий баркамол асарлари бизгача етиб келган. Бу асарларнинг ҳар бири ўзбек назми ва насри ривожида муҳим босқични ташкил этиш билан бирга, адабий-бадиий фикр тараққиётига қўшилган катта ҳиссадир.

Булар орасида унинг машҳур шоҳ асари "Бобурнома" алоҳида аҳамиятга эга. "Бобурнома" - Темурийлар даври ўзбек мумтоз насрининг манзур намунаси ва XVI аср бошидаги ўзбек адабий тилининг нодир ёдгорлигидир. Бобур ўз мемуарини ғоятда оддий, оммабоп услубда, айни вақтда бениҳоят гўзал ва

равон адабий тилда яратди.

"Бобурнома" фақат тарихий асар эмас. Унда ўша даврдаги бир қатор фанлар (жуғрофия, наботот, ҳайвонот, этнография, ҳарбий усул ва бошқалар)нинг илмий ютуқлари ҳам ўз ифодасини топган. Бобур тоғ ва даралар, кўл ва дарёлар, хилма-хил ўсимликлар ва ҳайвонлар, турли ҳудуд ва минтақаларнинг ер ости ва ер усти бойликлари, у ерларда яшайдиган халқларнинг урф-одати, тили, адабиёти ва санъати, айрим сўзларнинг келиб чиқиши каби масалалар билан ҳам астойдил қизиқади. Муаллиф буларнинг хаммасини эринмай кузатади, ўрганади, турли касбдаги кишилардан маълумотлар тўплайди.

"Бобурнома"да мамлакат ва ўлкалар, шаҳар-кишлокларнинг сиёсий тарихи билан бирга табиати, хўжалиги, илм-фани, маданияти ва бошқа жиҳатлари ҳам мукаммал тасвирланади. Масалан, муаллиф Кобул вилоятини тасвирлар экан, унинг жуғрофий ўрни, чегаралари, яйловлари, ўсимлик ва мевалари, дарё ва кўллари, халқи, унинг касб-кори, урф-одати, тили, савдо-сотиқ ишлари ва бошқалар ҳақида батафсил ва қимматли маълумот беради.

"Бобурнома"да ана шундай хилма-хил маълумотлар шу даражада кўп учрайдики, илм-фаннинг деярли барча соҳаларидаги мутахассислар бу асардан баҳраманд бўла олади. Бу далилларнинг ҳаққонийлиги туфайли тарихчи ўша даврдаги Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон тарихига тегишли муҳим маълумотларга эга бўлса, табиатшунос мазкур ўлкаларнинг топографияси, иқтисодий жуғрофиясига оид янгиликларга, ҳайвонот олами билан шуғулланувчилар эса шу мамлакатлардаги ҳайвонот оламига тааллуқли билим ва тасаввурларга эга бўлади; ўсимликшунос ўсимликлар дунёси билан танишади, этнограф шу жойларда яшайдиган турли халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатларига доир қизиқарли тафсилотларга дуч келади, тилшунос ўзбек адабий тилининг шу даврдаги аҳволини, адабиётшунос эса шу давр адабий муҳитини тасаввур қила олади.

Ўзининг ана шу фазилатлари билан "Бобурнома" узоқ замонлардан бери бутун дунёда кўплаб соҳа олимларининг диққат-эътиборини жалб қилиб келди ва улар томонидан юксак баҳоланди.

Шу билан бирга, "Бобурнома" юқорида айтиб ўтганимиздек, ажойиб насрий асар, ўзбек бадиий адабиётининг нодир ёдгорлиги

ҳам ҳисобланади. "Бобурнома"нинг асосий тасвир мавзуи тарихий воқеалардир. Бироқ, Бобур воқеаларни шунчаки санаб ўтиш ёки улар ҳақида маълумот бериш билан чекланиб қолмайди. У тарихий воқеалар манзарасини, тарихий шахсларнинг ташқи ва ички қиёфасини моҳирона тасвирлаб, бетакрор табиат лавҳаларини ёркин бўёқлар билан ифодалаб беради. Шунингдек, муаллиф мароқли ва жозибали бадиий услуб билан турли хил саргузаштларни, ривоят ва латифаларни ҳикоя қилади, халқ ҳажвиёти, мақоллари ва таъбирлари, шеърий парчалар билан ўз асарини безайди. У турли хилдаги бадиий услуб ва тил воситаларидан ўринли фойдаланади.

"Бобурнома"даги воқеалар турли вазиятларда ва зиддиятлар орқали ривожланиб боради. Улар бир-бири билан ана шу воқеаларда бевосита иштирок этган Бобур сиймоси орқали боғланади, ўзига хос кульминация ва ечим касб этади. Мана шу хусусиятлари билан "Бобурнома" китобхонни завқ ва ҳаяжонга солади, уни ўзига бутунлай мафтун қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Бобур ўзбек адабиётининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўлмас сўз санъаткорларидан биридир. У назмда ҳам, насрда ҳам ижод этди, аруз назарияси, қофия, ҳарб иши, ислом қонуншунослиги, иқтисодиёт масалаларига доир китоблар билан бирга бадиий пишиқ, мазмунан теран асарлар яратди.

Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги тараққиётининг моҳияти тўғрисида Шарқ ва Ғарб тарих фани бой адабиётга эга. Бироқ, Бобур ва бобурийларнинг тарихий хизматларини баҳолашда ўтмишга салбий муносабат ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини чулғаб олган эди, жумладан, дарсликларимиз ҳам бу таъсирдан холи эмас эди.

Узоқ ўтмишда яшаб ижод этган, илм-фан, адабиёт, санъат ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимизга нисбатан бундай нотўғри ва ноҳақ қарашлар 80-йилларнинг охирларига келиб аста-секин ижобий томонга ўзгара бошлади.

Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов 1994 йил 4 октябрда Андижон вилоятига қилган сафари чоғида Бобур номидаги Миллий боғда ўрнатилган ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиб, "Хотира дафтари"га қуйидаги эсдалик сўзларини ёзиб қолдирди:

"Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар

қанча фахрланса арзийди. Ўзбек халқининг довруғини дунёга таратган улуғ аждодларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатади.

Бобур Мирзо номи билан аталмиш Миллий боғнинг, шоир рамзий мақбараси ҳамда "Бобур ва жаҳон маданияти" музейининг барпо этилиши - халқимиз тарихида янги, озодлик замонига қадам қўйилганидан яхши бир муждадир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби мумтоз инсонларни дунёга берган халқ ҳеч қачон хор бўлмайди, муқаррар тарзда саодатга эришади.

Қадимий Андижон аҳлининг бу каби савобли ишлари кўпайсин ва бошқа ватандошларимизга ибрат бўлсин.

Бобур Мирзо бобомизнинг сиймосини абадийлаштиришга қўл урган инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман".

Давлатимиз раҳбарининг Бобур Мирзо шахсига нисбатан эҳтиром билан айтган мазкур сўзлари халқимизнинг ўлмас қадриятларига, буюк аждодларимиз қолдирган илмий-адабий меросга бўлган юксак ҳурмат-эътиборининг ёркин тимсолидир.

Халқимиз узоқ асрлардан буён қадрлаб келадиган мумтоз шоир ва аллома Бобурнинг ижоди айни замонда Ўрта Осиё халқлари билан қўшни Афғонистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги қадимий тарихга эга бўлган муносабатларнинг узвий халқаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Унинг ижодий меросини бугунги кунда дунёдаги кўплаб мутахассислар қаторида афғон ва ҳинд тадқиқотчилари, покистонлик ва бангладешлик олимлар ҳам қунт билан ўрганмоқдалар. Буюк ватандошимиз ҳақида мазкур мамлакатларда кўплаб илмий асарлар, қисса ва романлар, бадиий фильмлар яратилгани, музейлар барпо этилгани, айниқса, диққатга сазовор. Уларнинг барчасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш бобуршунос олимларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг таъбири билан айтадиган бўлсак, *"Одамзод боғи, авлод-аждоди, ватанининг тарихини билишни истайди"*.

Дарҳақиқат, мустақиллик бизга ана шу кўҳна ва бетакрор тарихимизни чуқур ўрганишга, ўзлигимизни англашга кенг имконият яратиб берди. Биз бугунги кунда жаҳон илм-фани ва ма-

данияти ривожига бекиёс хисса қўшган Захириддин Мухаммад Бобур сингари улуг аждодларимиз фаолияти ва бебахо меросининг хозирга қадар пинҳон ётган қирралари билан кенг жамоатчилик, бутун халқимизни ошно этиш шарафига муяссар бўлмоқдамиз.

З.Машрабов (Ўзбекистон)

Бобур ва бобурийлар мероси: илмий экспедиция натижалари ва келгуси вазифалар

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг буюк давлат арбоби ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини абадийлаштириш ва унинг илмий-маданий меросини янада кенгроқ тадқиқ қилиш мақсадида Бобур халқаро фонди тузилди.

У ўзининг 16 йиллик фаолияти давомида Андижонда Бобур Миллий боғини ташкил этди, Бобурнинг рамзий мақбарасини, Миллий боғ ва Андижон шаҳрида Бобурнинг иккита ҳайкали, Миллий боғда «Бобур ва жаҳон маданияти» музейини барпо этди. Фонд уюштирган 12 марта сафар мобайнида жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларида бўлиб, темурийлар, Бобур ва бобурийларга оид 300 дан ортиқ нодир тарихий, илмий-адабий манбаларни қўлга киритиб, «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи экспонатларини бойитди ва уларни илмий муомалага киритишга муваффақ бўлди.

Бобур халқаро илмий экспедицияси ўз сафарлари давомида бир неча сафарномалар, экспедициянинг ўзига хос маърифий-илмий ҳисобот-ҳужжатларини яратди. Хайриддин Султоновнинг «Бобурийнома», Қамчибек Кенжанинг «Ҳинд сориға», «Андижондан Даккагача», «Андижондан Бағдодгача», «Буюклар изидан» романлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунгача 24 та кино ва видеофильмлар яратилдики, булар чет элдаги ватандошларимиз – темурийлар, Бобур ва бобурийлар, машҳур қомусий олимларимиз Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, буюк шоҳлар Султон Маҳмуд Ғазнавий, Ҳусайн Бойқаро, мумтоз шоирларимиз Лутфий, Навоий, Машраб, Ҳофиз Хоразмий, Атоий сингариларнинг қадамжолари, улар яшаган шаҳарларнинг зиёлилари ва зиё масканлари, қабр ва мақбаралари ҳақида маърифий маълумот берувчи ажойиб санъат асарларидир.

Ҳукуматимизнинг «Буюк аждодларимизнинг Ўзбекистон худудидан ташқарида дафн этилган жойларини аниқлаш ва обод лаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида ўзбек мумтоз шоири Мавлоно Лутфий Шоший

мақбараси ва сағана тоши фонд ташкилотчилиги ва хомийлигида тайёрланди ҳамда экспедициянинг навбатдаги сафарида Ҳирот шаҳри яқинидаги шоир қабри устига қўйилди. Ҳозирда бу жой зиёратгоҳга айланган. Бу ҳақда ҳам таъсирли видеофильм яратилди.

Келажакда, Бобур фонди илмий экспедицияси ўзининг 16 йиллик фаолияти анъаналарига содиқ қолган ҳолда яна ўз изланишларини давом эттириб, жаҳон музейлари, кутубхоналари, шахсий коллекциялардан темурий, Бобур ва бобурийлар асарларини, улар ҳақидаги дунё олимлари илмий тадқиқотларини, бадиий асарларни, жумладан, Бобурнинг «Ҳарб иши», «Мусиқа сирлари», «Бобурнома»нинг йўқолган қисмларини излаб топиб, илмий истеъмолга киритишга ҳаракат қилади.

Д-р Эйжи Мано (Япония)

Бобур асарлари тўпламининг Техрон нусхаси

Мен Эрондаги Салтанат кутубхонасида сақланаётган бир нодир қўлёзма ҳақида баҳс юритмоқчиман. Бу қўлёзма нусхани "Бобур асарлари тўплами" деб атаган бўлар эдим. Бобур номи билан боғланган қўлёзманинг таркиби илм оламида анча вақтлардан бери маълум эди. У ҳақдаги дастлабки ва қисқача маълумотларни турк олими З.В.Тўғон қайд қилиб ўтган. Ундан кейин мазкур қўлёзмага Эрон олими Б.Отабей мурожаат этиб, Салтанат кутубхонаси каталогида 4 саҳифадан иборат тавсиф берган. Бу икки олимнинг тавсифларидан қўлёзманинг қисқача таркиби келтирилган, холос. Шу билан бирга, бу қўлёзма билан тўғридан-тўғри танишиш имконияти кўпчилик олимларга муяссар бўлмаган. Шунга кўра, илм аҳли орасида мазкур қўлёзма нусха ҳақида турли қарашлар вужудга келган. Шулар орасида Отабей тавсифига суяниб, россиялик профессор Султонов қўлёзма таркибида "Бобурнома" асари мавжудлигидан бир неча бор уни Бобур ҳаёт даврида тузилган нодир қўлёзма бўлиши керак деган тахмин билдирган. Агар шундай қўлёзма нусха мавжуд бўлган тақдирда (ваҳоланки, Бобур ҳаётлигида тузилган бундай қўлёзма

сақланиб қолмаган) бу ҳақдаги яқдил илмий қарашларни барбод қилган бўлар эди.

Салтанат кутубхонасида сақланаётган қўлёзма нусха илм аҳлига илгаридан маълум бўлиб келган. Лекин олимлар орасида қўлёзма мазмуни талқинида айрим ноаниқлар мавжуд. Бу қўлёзма таркибига: 1. "Мубайяин", 2. "Рисола", уни 504 вазн тақтиъи деб номлаш мумкин. 3. "Аруз" рисоласи, 4. "Бобурнома" ва 5. "Волидия" рисолалари киради. Шуни таъкидлаш керакки, бу қўлёзма таркибига Бобурнинг шеърлар тўплами – девон киритилмаган. Шундай қилиб, бу қўлёзмани Бобур куллиёти ёки мукаммал асарлар тўплами дейиш ўринли эмас. Қўлёзма 1036 саҳифа, яъни 518 варақдан иборат.

Отабей ва проф. Султоновларнинг каталогида қўлёзма 935 (1528-29) ҳижрий йил якунланганлиги тўғри кўрсатилган. Лекин бу сана "Бобур асарлар тўплами"га алоқаси бўлмай, у "Волидия" рисоласининг ёзиб тугалланганлигига ишорадир.

"Бобур асарлар тўплами" қўлёзмасининг тузилишида саҳифаларнинг бетартиблиги ва муҳим камчиликларга йўл қўйилганлиги кўзга ташланиб туради. Балки, бу нуқсонлар қўлёзмани муқовалашда юз берган бўлиши мумкин. Шунга қарамай, бу нусха нисбатан илк таҳрирдаги ва ўз таркибига 504 вазн тақтиъини олган муҳим қўлёзма нусхадир.

Бу нусханинг аҳамиятини эътиборга олиб, биз унинг факсимил нашрини яқин вақтларда амалга ошириш ниятидамиз.

Д-р Танжу Орал Сейҳан (Туркия)

Бобуршох асарларида ижтимоий концепция масаласи

Бобур асарларидаги ижтимоий концепцияга бағишланган мазкур маърузада давлатчилик хусусидаги фалсафа ва демократик анъаналар қатори, бошқарувдаги қонунчилик тамойиллари ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, халқ, солиқ, бирлик, адолат, тинчлик, кенгаш каби тушунчалар шулар жумласидандир.

Маълумки, туркийларнинг янги эрадан бошлаб барпо этган самарали ва қудратли салтанатларига дунё тарихи шоҳид бўлган.

Зеро, туркий халқлар тарихида XV-XVI асрлар аждодларимиз яшаган шарқий туркий сарҳадларнинг "олтин давр"и ҳисобланади. Бинобарин, симпозиум мавзуси бўлган Бобур ҳаёти ва унинг фаолияти XVI аср тарихида ниҳоятда муҳим воқеа сифатида қайд этилган. Бу воқелик жуғрофияси ўзида турли миллат, диний эътиқод вакиллари яшаган ҳудудларни камраган бўлиб, ундаги давлатчилик тизими тарихий жиҳатдан муҳим илмий қийматга эга. Ва ушбу маърузада биз, Бобур асарларида ўз аксини топган давлатчилик тизимидаги сиёсий барқарорликни таъминлаган ижтимоий концепцияни ўрганиш ва таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Умаршайхнинг ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483 йили 14 февраль) Фарғона водийсининг Ахси шаҳрида туғилган. Унинг отаси – Темурнинг набираси Умаршайх Фарғона ҳокими ва онаси Қутлуғ Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи бўлган. Бобурнинг аждодлари ота томонидан (Бобур бин Умаршайх Мирзо бин Султон Абу Сайид Мирзо бин Мироншоҳ Мирзо бин Темур) Темурдан ва она томондан (Қутлуғ Нигор Бинни Юнус бин Вайс бин Шер Али Ўғлон бин Муҳаммад бин Чиғатой бин Чингиз) Чингизхондан тарқалган. Бобуршоҳ юқорида зикр этилган Мовароуннаҳр ва Хуросон маданиятидан баҳраманд зот бўлган.

Бобуршоҳ (1494-1530 йй. ҳукмронлик даври) ўз ота юртидан узоқда ва аксарият томонидан "Ҳинд-Мўғул", "Ҳинд-Турк" деб номланган сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, шунингдек, маданий-маърифий (адабиёт, санъат ва меъморчилик) жиҳатдан қудратли салтанатга асос солди. Ҳолбуки, "Зафарнома"нинг муаллифи Шарафиддин Али Яздий таърифлаган "Амир Темур салтанати ҳудудида кейинчалик юз берган таназзул" ҳақида ҳам Бобуршоҳ кўп ўқиган эди ("Туркуми зафарнома", 299-бет.) Шундай қилиб, урхун матнларида шарҳланган "Мен барча срларни ўз тасарруфимга олдим. Мен барча халқларни тўла-тўкис бўйсундирдим" руҳидаги "етук ва мустақил салтанат" Амир Темур давридан сўнг ўз адоғига етди. Бобуршоҳ буни ўз сўзларида қуйидагича таърифлаган: "On dervish bir iklimde uyur, fakat iki padishah bir iklime sigmaz (121a).

Бобуршоҳ асос солган "қонунчилик", салтанатдаги давлат ва бошқарув ишларида кенг қўлланди. Бу ерда шунингдек, урхун

матнларида ёзилган ҳамда "Qutadgu bilig"да тизимга солинган ҳукмрон ва авом ўртасидаги ўзаро мустаҳкам алоқалар амалий тарзда жорий этилди.

Авом учун эса ҳукуматга нисбатан тегишли муносабатда бўлиш, кўрсатмаларга риоя қилиш, соликларни ўз вақтида тўлаш билан бирликда ички ва ташқи душманлардан ҳимоя имкониятларига эгалик лозим топилган эди. Бунинг эвазига давлат ўзаро тенгликкка асосланган иқтисодий мутаносиблик, аҳолининг сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларининг муҳофазаси, яъни мулкчилик ва шу каби бошқа ҳаётий жабҳалари бедахллигини таъминлаганлиги боис жамиятда тўлақонли масъулият мавжуд эди.

Бобур темурийларнинг сўнгги вакили ва бобурийларнинг биринчи намояндаси сифатида, урхун матнларида баён этилганидек, ўз фаолияти тажрибаларини келгуси авлодларга мерос қолдирди (бу омиллар юқорида зикр этилган асарларда асосланган). У мукаддам таъкидлаб ўтилганидек, ўз давлатчилик тамойили бўйича илм ва фанга таянар, аҳолининг муаммоларини эса харбий куч билан эмас, балки ақл-идрок билан ҳал қилишга интилган.

Бобуршоҳ давлатчилигининг яна бир муҳим жиҳати, бу - бошқарувда репрессив усуллардан фарқли ўлароқ, илм-билим тажрибасига суянишдан иборат эди. У доим ўз халқи ва жамияти талабларини тушунар, жамиятнинг равнақи ҳамда тараққиёти ҳақида ўйлар ва ўз халқига хизмат қилиш мақсади билан яшарди. Бобуршоҳ ўз тамойилига кўра, қонун асосида иш юритиш, ишга яраша ҳақ тўлаш, авом билан муносиб муносабатда бўлиш, ишга мухтож кишиларни хизматга жалб этиш, иқтисодий ва ижтимоий химоялаш каби вазифаларни (юқорида қайд этилган ижтимоий концепцияга мувофиқ) адолат юзасидан олиб борарди. Бобур яхши администратор сифатида аҳоли билан билим ва қонун асосида алоқада бўлиб, шу тарзда жамият талабларига ёндашарди. Шунинг учун у ўзининг демократик рухдаги ижтимоий фаолиятида ҳукмрон ва авом ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка (гармония) эришишга муваффақ бўлди.

Бобурнинг қатор эътиборга лойиқ хусусиятлари ичида тил, адабиёт ва бошқа билимлар мажмуида шаклланган ва турли соҳаларни қамраган тафаккур доирасига хос дунёқарашлари алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам Бобур турк мада-

ниятига улкан ҳисса қўшиб, турли туркий қабилаларга тушунарли бўлган оддий туркийдаги ўз асарлари билан келгуси авлодларга катта бойлик қолдирди.

Д-р Билол Южел (Туркия)

Бобур "Девон"идаги ўғуз-турк сўзларининг ўзига хос хусусиятлари

Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлат арбоби бўлиши билан бирга, маданият, адабиёт ва тил соҳаларида ҳам замонасининг етук шахси сифатида дунё тарихидаги алломаларнинг энг пешқадамлари сафидан муносиб жой олди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари тарихимиздан тортиб то тилимизгача бўлган соҳаларини қамраб олган туркий тилни классик ҳолга келтирган улуғ сиймолардан биридир. Унинг асарлари биргина чиғатой адабиётидагина эмас, балки бутун туркий халқлар адабиёти ва тилининг шоҳ асарларидандир.

Бу маърузада Бобурнинг шеърлари устида докторлик тадқиқотини олиб бораётган бир илм кишиси сифатида, Бобур "Девон"идаги ўғуз-турк сўзларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Девондаги сўзларнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Бобур "Девон"ида "бўл" ёрдамчи феълининг ёнида ўғуз туркчасининг синоними "ўл" шаклида келтирилади. Вазн сабаби билан келтирилган бу шакл ҳеч бир зарурат бўлмаган ҳолда ҳам қўлланилганлигини кўриш мумкин.

2. (қ) ундошининг (х) товушига алмашиши Қорахонли туркийси мисолида кўрилади. Ўғуз шеваларидан ҳисобланган Озарбайжон туркийсида истифодага кирган бу алмашишнинг баъзи мисоллари Бобур "Девон"ида қуйидагича келтирилган:

ахтардим (29/5б), ахтармағил (528б), ўхшамас (1/4б), ўхшар (32/6а), ўхшатсам (57/5б), ўхшатти (207/1б), кўнглини сахлар эмиш (58/5б), хотиримни сахласа (106/2б), яхши (4/62а), яхшидур (59/4а), яхшилиг (24/1-6б), яхшилиғқа (127/23б), йўхса (124/3а) ва б.

матнларида ёзилган ҳамда "Qutadgu bilig"да тизимга солинган ҳукмрон ва авом ўртасидаги ўзаро мустаҳкам алоқалар амалий тарзда жорий этилди.

Авом учун эса ҳукуматга нисбатан тегишли муносабатда бўлиш, кўрсатмаларга риоя қилиш, солиқларни ўз вақтида тўлаш билан бирликда ички ва ташқи душманлардан ҳимоя имкониятларига эгалик лозим топилган эди. Бунинг эвазига давлат ўзаро тенгликка асосланган иқтисодий мутаносиблик, аҳолининг сиёсий ва ижтимоий ҳуқукларининг муҳофазаси, яъни мулкчилик ва шу каби бошқа ҳаётий жабҳалари бедахллигини таъминлаганлиги боис жамиятда тўлақонли масъулият мавжуд эди.

Бобур темурийларнинг сўнгги вакили ва бобурийларнинг биринчи намояндаси сифатида, урхун матнларида баён этилганидек, ўз фаолияти тажрибаларини келгуси авлодларга мерос қолдирди (бу омиллар юқорида зикр этилган асарларда асосланган). У мукаддам таъкидлаб ўтилганидек, ўз давлатчилик тамойили бўйича илм ва фанга таянар, аҳолининг муаммоларини эса харбий куч билан эмас, балки ақл-идрок билан ҳал қилишга интилган.

Бобуршоҳ давлатчилигининг яна бир муҳим жиҳати, бу - бошқарувда репрессив усуллардан фарқли ўлароқ, илм-билим тажрибасига суянишдан иборат эди. У доим ўз халқи ва жамияти талабларини тушунар, жамиятнинг равнақи ҳамда тараққиёти ҳақида ўйлар ва ўз халқига хизмат қилиш мақсади билан яшарди. Бобуршоҳ ўз тамойилига кўра, қонун асосида иш юритиш, ишга яраша ҳақ тўлаш, авом билан муносиб муносабатда бўлиш, ишга мухтож кишиларни хизматга жалб этиш, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш каби вазифаларни (юқорида қайд этилган ижтимоий концепцияга мувофиқ) адолат юзасидан олиб борарди. Бобур яхши администратор сифатида аҳоли билан билим ва қонун асосида алоқада бўлиб, шу тарзда жамият талабларига ёндашарди. Шунинг учун у ўзининг демократик рухдаги ижтимоий фаолиятида ҳукмрон ва авом ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка (гармония) эришишга муваффақ бўлди.

Бобурнинг қатор эътиборга лойиқ хусусиятлари ичида тил, адабиёт ва бошқа билимлар мажмуида шаклланган ва турли соҳаларни қамраган тафаккур доирасига хос дунёқарашлари алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам Бобур турк мада-

шиятига улкан ҳисса қўшиб, турли туркий қабилаларга тушунарли бўлган оддий туркийдаги ўз асарлари билан келгуси авлодларга катта бойлик қолдирди.

Д-р Билол Южел (Туркия)

Бобур "Девон"идаги ўғуз-турк сўзларининг ўзига хос хусусиятлари

Заҳириддин Муҳаммад Бобур давлат арбоби бўлиши билан бирга, маданият, адабиёт ва тил соҳаларида ҳам замонасининг етук шахси сифатида дунё тарихидаги алломаларнинг энг пешқадамлари сафидан муносиб жой олди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари тарихимиздан тортиб то тилимизгача бўлган соҳаларини қамраб олган туркий тилни классик ҳолга келтирган улуғ сиймолардан биридир. Унинг асарлари биргина чиғатой адабиётидагина эмас, балки бутун туркий халқлар адабиёти ва тилининг шоҳ асарларидандир.

Бу маърузада Бобурнинг шеърлари устида докторлик тадқиқотини олиб бораётган бир илм киши сифатида, Бобур "Девон"идаги ўғуз-турк сўзларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Девондаги сўзларнинг ўзига хос хусусиятларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Бобур "Девон"ида "бўл" ёрдамчи феълининг ёнида ўғуз туркчасининг синоними "ўл" шаклида келтирилади. Вазн сабаби билан келтирилган бу шакл ҳеч бир зарурат бўлмаган ҳолда ҳам қўлланилганлигини кўриш мумкин.

2. (қ) ундошининг (х) товушига алмашиши Қорахонли туркийси мисолида кўрилади. Ўғуз шеваларидан ҳисобланган Озарбайжон туркийсида истифодага кирган бу алмашишнинг баъзи мисоллари Бобур "Девон"ида қуйидагича келтирилган:

ахтардим (29/5б), ахтармағил (528б), ўхшамас (1/4б), ўхшар (32/6а), ўхшатсам (57/5б), ўхшатти (207/1б), кўнглини сахлар эмиш (58/5б), хотиримни сахласа (106/2б), яхши (4/62а), яхшидур (59/4а), яхшилиг (24/1-6б), яхшилиғқа (127/23б), йўхса (124/3а) ва б.

3. Феъл ясашда ўғуз туркчасига синоним шахс қўшимчаларининг қўлланилиши:

жон берурам (355а), истарам (16/3б), қўрқарам (94/5б), билмсн (112/4б), билманам (420/1а), ерга бош чалман (85/4б), деман (15/1а), кўрман (112/4а), топман (119/1-6б), бора олман (23/4а), хаёл эта олман (400/2а), кеча олман (11/1б), кун кўра олман (85/1б), топа олман (111/4а), чекмишам (362б), бемор ўлмишам (128/5а) ва б.

4. Аввалги бўғиндаги (т) ундоши қуйидаги бирикмаларда баъзан (д) билан ёзилгандир:

деди (4/1б, 108/10а, 129/39аб ...), дега сиз (129/63б), демагил (4/12б, 140/2а, 226/2а), дебтурлар (408/1а), деса (10/5б, 86/6а, 89/5а...), дей (49/5б, 68/1-5б, 76/1б ...), танга дегру (30/4б, 39/4б, 68/2б).

Юқорида айтилганлар Бобур "Девон"идаги ўғуз-турк сўзларининг айрим хусусиятларини ёритишгагина қаратилди. Уларнинг тафсилотини илмий анжумандаги чиқишимизда баён киламиз, деган умиддамиз.

БОБУР ДАВРИ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ

Ғ.Сотимов (Ўзбекистон)

Ҳинд тарихида янги давр

Буюк давлат арбоби ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг дастлаб Марказий Осиё ва Афғонистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатиши ва 1526 йилда Ҳиндистонда "Буюк бобурийлар салтанати"га асос солиши бу мамлакатларда ўрта асрнинг хотимаси ва янги даврнинг бошланишини белгиловчи омил бўлгани билан аҳамиятлидир.

Бобурийлар салтанатининг ўрнатилиши ҳақиқатан ҳам Ҳиндистон тарихида кескин бурилиш ва янги даврнинг бошланиши бўлгани барча тарихий манбаларда алоҳида таъкидланади.

Бобурийлар ҳукмронлигига қадар Ҳиндистонни бошқарган афғонлар ўзларини "султон" деб атар ва ҳалифаликнинг ҳукмронлигини тан олардилар. Бобуршоҳдан бошлаб, кейинги бобурий шаҳзодалар халифаликни тан олмадилар ва ўзларини "шоҳ" деб атай бошладилар ҳамда ҳукмдорнинг мавқеини энг юқори мартабага кўтардилар. Акбаршоҳ эса ўзига "шаҳаншоҳ" унвонини олган эди.

Бобуршоҳнинг Ҳиндистонга келишидан аввал мамлакатда қатор диний, ижтимоий ва сиёсий тенгсизликлар мавжуд бўлиб, бу ҳол аҳоли ўртасида ўзаро адоват ва давлат бошқарувида бошбошдоқликни келтириб чиқарган эди. Бобуршоҳ бу борада мамлакатга янгича сиёсат олиб келди ва давлатни бошқаришнинг темурий шаҳзодаларга хос услубини ўрнатди. У қўл остидаги афғон султонлари ва ражпут ражаларига ҳам адолат, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида муомала қилар эди. Ўғилларидан иккитасига ҳинд ражаси Мединий Равнинг иккита қизини никоҳлаб бериб, ражпутлар билан қуда-андачилик ришталарини боғлади ва уларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Акбаршоҳ ҳукмдорлиги даврида эса бу муносабатлар анча яхши даражага кўтарилди ва ҳукмдорга садоқатли ражпутлар жон-жаҳди билан подшоҳ шаънини сақлаш учун курашдилар.

Маълумки, Бобургача мамлакатда ҳукмрон бўлган тўғлоқлар сулоласи даврида меъморчиликка бир оз эътибор бе-

рилган бўлса-да, тасвирий санъат диний ақидалар асосида мутлако тақиқланган эди. Бунёдкор бобурийзодалар ҳукмронлиги даврида ҳукмдорларнинг ҳомийлиги ва чексиз саховати туфайли Ҳиндистонда меъморчилик ва тасвирий санъат мисли кўрилмаган даражада тез ривожланди ҳамда мамлакат узра ёйилди.

Бобурийлар ҳукмдорлиги даврида мусулмонлар билан ҳиндулар ўртасида бир-бирига нисбатан бағрикенглик муносабатлари шакллантирилди ва омма орасида кенг тарғиб қилинди. Улар ҳаётнинг турли жабҳаларида бир-бирини қўллаб-қувватладилар, ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, самимий муносабат ва меҳр-оқибат таомиллари амалда қўлланилди.

Маҳаллий тилларнинг тараққиёти ва ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Мустақилликка эришган маҳаллий сулолалар ўз шевалари ва тилларининг ривожи учун ҳомийлик қилдилар, уларга расмий тил мақоми берилди. Бу ҳол эса дин ислоҳчилари учун ўз ғояларини маҳаллий аҳоли ўртасида кенг ёйиш имконини яратиб берди. Улар ўз китобларини ўз тилларида ёзиш ва ўзлари эътиқод қилган динларига ўз тилларида сиғиниш имконига эга бўлдилар. Бу эса айрим диннинг якка ҳукмронлигига йўл қўймас эди.

Бу омиллар бобурий подшоҳлар ўзидан аввалги ҳукмрон доиралардан моддий, маънавий ва маъмурий жиҳатдан анча устунликларга эга бўлганлигига, бобурий шоҳларнинг юксак маданият соҳиблари, бағрикенг, адолатпарвар ва саховатпеша ҳукмдорлар бўлганидан далолат беради.

Д.Юсупова (Ўзбекистон)

Хондамир ва Бобур: фан ва маданият тараққиёти ҳақида

Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларида Хуросон, айниқса унинг пойтахти Ҳиротда фан, адабиёт, меъморчилик, тасвирий санъат (миниатюра ва наққошлик), мусиқий илм ва хаттотлик кенг ривож топган эди.

«Равзат ус-сафо» («Мусаффолик боғи») муаллифи тарихчи Мирхонднинг набираси машҳур Ҳирот тарихчиси Хондамир (878/1473 – 881/1476 йиллар орасида Ҳиротда туғилган ва

941/1534 йилда Ҳиндистоннинг Манду шаҳрига яқин жойда вафот этган) ўз асарлари билан XVI аср бошларида фан тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди.

Хондамирнинг олим сифатида шаклланишида ўша даврнинг маърифатчиси Мир Алишер Навоий ҳомийлик килди. Унинг вафотидан сўнг 909/1503 йилдан бошлаб, Хондамир Хуросондаги сиёсий воқеалар гирдобига тушади ва 1527 йилга қадар, аниқроғи, Шоҳ Исмоил вафотидан сўнг, у Ҳиротдан буткул юз ўгириб Қандахор томон жўнайди ва 934/1528 йили у ердан Ҳиндистонга, Бобурийлар пойтахти - Аграга, яъни Бобур ҳузурига боради ва унинг яқин одамлари қаторидан жой олади. 936/1529 йили Бобурнинг Бенгалия ва Ганг дарёси соҳили томон қилган юриши пайтида Хондамир унга ҳамроҳ бўлади. Бобур вафотидан сўнг Хондамир умрининг охиригача унинг вориси Ҳумоюннинг хизматида қолади.

Хондамир олтмиш уч йил умр кўради ва ана шу вақт ичида у ўн учта асар ёзади, бизгача унинг саккизтаси етиб келган. Улардан: «Маъосир ул-мулук» («Ҳамаср подшоҳларнинг тарихи»), «Хулосат ул-ахбор фи баён ул-аҳвол ул-ахёр» («Хайрли кишилар аҳволини баён этиш борасида хабарлар хулосаси»), «Макорим ул-ахлоқ» («Олижаноб хулқлар») ва бошқалар. Унинг асарларида фан (тарих, фалсафа, мантиқ, математика, физика, астрология ва б.), тиббиёт ва адабиётнинг (назм ва наср) етук мутахассислари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган. Шунингдек, асарларида таълим соҳасида хизмат қилган машҳур мадрасалар, у ерда фаолият кўрсатган таниқли мударрислар, фан ва таълимга хизмат қилган катта кутубхоналар, уларнинг бошлиқлари, китоб нусхаларини кўпайтириш соҳасида катта ўрин эгаллаган хаттотлик санъати ва бу борада хизмат қилган машҳур хаттот, нафис санъат усталари, мусиқа ва ашула соҳа эгалари, қурилиш (масжид, хонақоҳ, лангар, ҳаммом, ҳовуз, кўприк, работ, боғ, сарой ва б.) ҳақида қимматли маълумотлар учрайди.

Хондамир Бобурнинг замондоши, қолаверса, бир вақтда у билан Ҳиротда яшаган ва юқорида айтилганидек, Ҳиндистонда Бобур саройида хизматда бўлган. Табиийки, Хондамир ўз асарларида келтирган XVI аср фан ва маданият тараққиётига оид маълумотлар кўп ҳолларда Бобурнинг маълумотлари билан ҳамоҳангдир. Масалан, Хондамир Мир Сарбараҳна лақаби билан

машҳур андижонлик олим Шамсуддин Муҳаммад Андижонийҳақида тўхталиб, 898/1492-93 й. вафот этганини маълум қилади, Бобур уни тўлдиргандек бўлиб, у Андижоннинг бир қишлоғидан келиб чиққан... деб, нима сабабдан вафот этганлигини ҳам келтиради. Шу сабабдан Хондамир асарларини «Бобурнома» ва шу даврнинг бошқа тарихчилари асарлари билан қиёсий ўрганиш маъқул ва тўғри деб биламиз.

О.Бўриев (Ўзбекистон)

"Бобурнома"да Марказий Осиё аҳолиси ҳақида маълумотлар

Марказий Осиё аҳолисига доир маълумотлар "Бобурнома" да алоҳида ажратилмаган ва турли тарихий воқеалар баёнида қайд этилган.

Аҳолининг этник таркиби таҳлилидан айрим этносларнинг Марказий Осиёдаги сиёсий жараёнларда анча фаол бўлгани кўринади. Этнослар шахс (одатда, бирор мансабдор шахс) номи таркибида ёки бирор воқеа баёнида эслатилади. Андижон шаҳри аҳолисининг этник таркибида аксариятини туркий қавмлар ташкил қилиши таъкидланган. Бобур ёзганларидан XУ аср охирига келиб, Темурийлар салтанатидаги иқтисодий ва маданий юксалиш туфайли, Хуросон ва Мовароуннаҳрда чиғатой туркийси адабий тил мақомини олганлиги маълум бўлади.

"Бобурнома"даги маълумотлардан айрим этнослар (аргунлар, барлослар, дуғлатлар, мангитлар, мўғул қабилалари, туркманлар - санжарий туркманлар ва қора қўйлиқ туркман уруғи, қипчоқлар, ҳазоралар)нинг географик жойлашиши ҳақида тасаввур олиш мумкин. Сиёсий вазиятга қараб Мўғулистон ва Дашти Қипчоқ аҳолисидан бир қисми Темурийлар давлатида Мовароуннаҳрнинг маълум жойларида яшаб, у ёки бу темурий ҳукмдорга хизмат қилган.

Асарда қишлоқ (кент), шаҳар, туман, вилоят аҳолиси, тоғ ва текислик (*тоғ ва туз)* эл-улуслари, *кўчманчи* (*саҳронишин*) ва ўтроқ (*деҳқонишин*) аҳоли фарқланган. Аҳолининг турмуш тарзи, касб-кори, миграцияси (Мўғулистон ва Дашти Қипчоқдан Мовароуннаҳрга, Ироқдан Хуросон ва Мовароуннаҳрга) ҳақида

ҳам маълумот бор. "Бобурнома"да турли этник тоифаларнинг ўзаро қариндошлашуви (юқори табақа вакиллари орасида, одатда, сиёсий вазият тақозоси орқали) ҳолати ҳам ўз аксини топган. Асардаги аҳоли билан боғлиқ атамалар ҳам ўзига хос ва илмий жиҳатдан муҳимдир.

Д-р Ҳ.Абдураҳмон (Хитой)

"Тарихи Рашидий"да Бобур сиймоси

Ўрта Осиё тарихини тадқиқ қилишнинг ноёб манбаларидан бўлган «Тарихи Рашидий» Мулла Муҳаммадниёз бин Абдулғафур таржимаси асосида нашрга тайёрланиб, 2007 йил Урумчида уйғур тилида нашр этилди.

"Тарихи Рашидий"нинг ушбу нашрини ўқиётганимизда, тарихнавис Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг Бобур ҳақидаги баёнлари, айниқса, Бобурнинг сифатларини таърифлашлари бизни қизиқтирди: "Бобур подшоҳ - ёзади Мирзо Муҳаммад Ҳайдар - ҳар хил сифатлар билан зийнатланган, турли асл хислатлар билан безалган подшоҳ эди. Уларнинг ҳамма хислатлари ичида шижоат ва мурувватн зиёда эди. Амир Алишер Навоийдан кейин туркийда шеърни ҳеч ким анингчалик айтмаган бўлғайди". Тарихнавис ўз асарида "Бобур подшоҳнинг вужуди ва сифати мурувватдан иборат эди" деган таърифни кўп такрорлайди. Мана шу таъриф-тавсифлардан ҳам муаллифнинг Бобурга бўлган чуқур меҳри, ҳурмати ва ихлоси аниқ сезилиб туради.

Биз мақолада Бобурнинг замондоши ва қариндоши Мирзо Муҳаммад Ҳайдар назаридаги Бобур сиймосини кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Ш.Мусоев (Ўзбекистон)

Аҳмад Ёдгорнинг "Тарихи шоҳий" асарида Ҳиндистонда Бобур давлати бошқарув тизими ҳақида маълумотлар

Тадқиқотларда қайд этилишича, Кобул ва Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласининг асосчиси Захириддин

Мухаммад Бобур (1483-1530) ўзининг Ҳиндистондаги тўрт йил (1526-1530) ҳукмронлиги даврида мамлакат маъмурий ҳолатида кескин ўзгаришлар қилишга улгурмади ва унгача мавжуд эски бошқарув тизими сақланди.

Бобур Шимолий Ҳиндистонни эгаллаб, у ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатгунга қадар, эгаллаган вилоятларда қариндошлари, яқинлари, садоқатли кишилари ҳарбий юришларда фаол қатнашганлар, Мовароуннаҳрдан Кобулга ва Ҳиндистонга келганлардан бошлиқлар тайинлади.

"Тарихи шоҳий" (бошқа номи "Тарихи салотини афғон") асарида ёзилишича, Бобур Шимолий Ҳиндистонда ўз салтанатини ўрнатгач, бир қанча мансаблар ташкил қилди ва улар ўша пайтда Марказий Осиё, Кобул ва Ҳиндистонда амалиётда мавжуд эди. Мазкур асардаги маълумотга кўра, Бобур Марказий бошқарувда саккиздан ортиқ мансаб (*бахши* – котиб, молия ишлари билан шуғулланувчи шахс; *калонтар* – гуруҳ ёки қабила бошлиғи; *мирохур* – катта отбоқар; *пиёда* – қишлоқларда фармон бажарувчи ва соликларни йиғувчи; *мунший* – шоҳнинг мактубларини ва фармонларини тузувчи котиб ва б.) жорий қилди.

"Тарихи шоҳий"да Заҳириддин Бобурнинг 933 йил, жумода ас-соний (1527 йил, март) ойида чиқарган фармоннинг мазмуни ҳам баён қилинган. Унда Бобур ўн тўртта юқори мансаб тайинлагани айтилган. Мансаблар ҳақидаги бу маълумотларнинг аксари янги ва бошқа манбаларда қайд этилмаган. Ушбу фармонга кўра энг олий мансаб *муқарраб ал-ҳазрат ас-Султон Иътимод ад-давла* (Подшоҳнинг ишончли киши – премьер-министр) деб аталган. Бошқа мансаблар: *бародар* – тутинган ака-ука; *салтанатмаоб хилофат интисоб* – шоҳ эътиборига лойиқ; *муътамад ал-мулк* – ишонч соҳиби ва ҳ.к.

Бир қанча мансаб бир вақтнинг ўзида бир неча кишига берилган. Заҳириддин Бобур томонидан жорий қилинган айрим мансаблар унинг авлодлари ҳукмдорлигида ҳам амалиётда ўз мазмунида қўлланган.

Г.Султонова (Ўзбекистон)

XVI – XVII аср "Саёҳатнома"ларида бобурийлар давлатининг ёритилиши (Сайфи Чалабий ва Бенедикт де Гоес саёҳатномалари)

XVI аср биринчи ярмида Ҳиндистон ҳудудида содир бўлган ва бобурийлар томонидан амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мамлакатда рўй берган муҳим ўзгаришлар ҳамда янги сув йўлларининг кашф этилиши Ҳиндистоннинг халқаро иқтисодий марказга айланишига сабаб бўлди. Шунингдек, бобурийлар сулоласи жаҳон тарихида ўзига хос ўрин эгаллаган давлатга айланди. Бу, бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даври тарихи тўғрисида кўплаб мамлакатларда турли характердаги асарлар яратилишига сабаб бўлди. Улар орасида бобурийлар ҳукмронлиги даврида бевосита Ҳиндистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг мамлакат ҳақидаги таассуротлари битилган кундаликлари, яъни саёҳатномалар алоҳида ўрин тутади. Чунки уларда маҳаллий муаллифлар эътибор бермаган минтақа аҳолисига хос хусусиятларга оид маълумотлар, ўша даврда бўлиб ўтган воқеаларнинг объектив ва субъектив сабабларини очиб берувчи фактлар ўз ифодасини топган. Булар қаторида туркиялик Сайфи Чалабий (1582-1583 йилда вафот этган) ва португалиялик Бенедикт де Гоесларнинг "Саёҳатнома"лари алоҳида қимматга эга.

XVI аср биринчи ярмида Ҳиндистон, Хитой бўйлаб қилган сафар таассуротлари асосида ёзган саёҳатномасини Сайфи Чалабий Туркия султони Мурод III (1574-1595) га бағишлаган. Сайфи Чалабий саёҳатномасида асосан XVI аср биринчи ярмида Бобур ва шайбонийлар ўртасида кечган Мовароуннаҳр учун кураш, шунингдек, Бобурнинг шайбоний Убайдуллахонга йўллаган мактуби ҳамда унинг Ҳиндистонни эгаллашидан то Ҳумоюн даврида Ҳиндистонда бўлиб ўтган сиёсий жараёнлар, унинг ўзига хос ҳарбий тактикаси, Ҳиндистон-Эрон муносабатлари, Ҳумоюннинг ўғиллари Жалолиддин Муҳаммад ва Муҳаммад Ҳаким ҳукмронлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. Шу билан бирга Гужарат, Пешовар, Агра, Деҳли шаҳарлари ҳамда мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари тасвирланган.

XVI аср охирида Ҳиндистонга келган португалиялик савдо-

гар Бенедикт де Гоес эса ўз саёҳатномасида бобурийлар сулоласи вакили Акбарнинг давлат бошқаруви, бобурийлар давлатининг ташқи савдо алоқалари, муҳим порт шаҳарлари тўғрисида қимматли маълумотлар баён қилинган. Шунингдек, саёҳатномада яна Лаҳўр, Кобул, Пешовар шаҳарлари ва у ерда амалга оширилган савдо-сотиқ муносабатлари ҳақида сўз юритилган. Иккала саёҳатнома ҳам хорижлик сайёҳлар томонидан ёзилишига қарамай, улар ўртасида ўзига хос фарқлар мавжуд. Хусусан, Сайфи Чалабий ўз асарида асосан сиёсий вазиятларга эътибор қаратган бўлса, Бенедикт де Гоес ўз асарида бобурийлар давлатининг иқтисодий ҳаётига кўпроқ тўхталган.

Юқорида қайд этилган саёҳатномалардаги маълумотлар давр жиҳатдан бири XVI аср биринчи ярмига, кейингиси эса XVI асрнинг сўнгги йилларига тегишлилигини ҳисобга олсак, бу икки асардаги фактлар бевосита бир-бирини тўлдиради ҳамда бобурийлар давлатининг XVI асрдаги сиёсий, иқтисодий ҳаёти тўғрисида маълум маънода тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Ш.Маҳмудов (Ўзбекистон)

Қўқон хонлари шажарасининг Бобурга боғланиши хусусида[11]

Қўқон хонлиги тарихига доир аксарият манбаларда «Олтин Бешик» ривояти баён этилади. Бу ривоятга кўра, Қўқон хонлари шажараси Олтин Бешикхон орқали Заҳириддин Муҳаммад Бобурга боғланади.

Қўқон хонлиги тарихининг турли масалаларида тадқиқот олиб борган Т.Бейсембиев, А.Қаюмов, Ҳ.Бобобеков, Ш.Юсупов каби олимлар манбаларда баён қилинган «Олтин Бешик» ривоятини турлича талқин қиладилар. Бу масалада олимларнинг фикрлари икки хил бўлиб, адабиётшунос олимлар «Олтин Бешик» ривоятини бўлган воқеа сифатида талқин этсалар, тарихчи олимлар эса буни Қўқон хонлари ўз ҳукмдорликларини ҳуқуқий жиҳатдан асослаш ва мустаҳкамлаш мақсадида келтириб чиқаришган, деган фикрни илгари сурадилар.

Воқеа манбаларда қуйидагича мазмунда баён қилинади:

Заҳириддин Муҳамммад Бобур Муҳаммад Шайбонийхондан мағлубиятга учрагандан сўнг оз сонли аскарлари билан Фарғонадан Кобулга қараб йўл олишни мақсад қилади. Манбаларда келтирилган ривоятларга кўра, шу жараёнларда Бобур ўғил фарзанд кўради. Йўлдаги оғир машаққатларни ҳисобга олиб, болани Кўқон яқинидан ўтган Наймансой бўйига олтин ва жавоҳирлар билан ўралган бешикда бир кўрикчи билан қолдириб кетишга қарор қилади. Ўша ҳудудда яшовчи аҳоли қолдириб кетилган қимматбаҳо жавоҳирларни тақсимлаб олади. Болага эса Олтин Бешикхон номи қўйилиб, минг уруғи томонидан вояга етказдирилади, кейинчалик Фарғона ҳукмдори бўлади. Манбалардаги воқеалар ривожида Кўқоннинг дастлабки ҳукмдори Шоҳруҳбийнинг насаби Олтин Бешикхонга боғланиши билан якун топади.

Кўқон хонлари шажарасини Олтин Бешик орқали Заҳириддин Муҳаммад Бобурга боғлайдиган асосли маълумотлар етарли эмас, деб ўйлаймиз. Чунки манбалардаги маълумотлар турлича мазмунга эга бўлиб, уларда ноаниқликлар, хатоликлар мавжуд.

Шу ўринда яна бир нарсага эътибор қаратиш лозим. Кўқон хонлари Шоҳруҳбий (1709-1721) дан Олимхон (1798-1810) га қадар ўтган барча ҳукмдорлар "бий" унвонида бўлишган. Агар бу ҳукмдорлар ҳам ўзларини Олтин Бешик наслидан деб ҳисоблашганда, бий унвонини эмас, балки хон унвонини олишга эътибор қаратишар эди. Лекин бу билан "Олтин Бешик" ривоятини асоссиз, уйдирма деган фикрдан ҳам йироқмиз. Ҳар бир ривоят, афсона замирида тарихий ҳақиқат ётишини эътироф этиш мумкин.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Кўқон хонлигида легитимация масалалари ҳали етарлича ўрганилмаганлигидан далолат беради. Бу масалада Бухорода ҳокимият манғитлар сулоласи қўлига ўтишини, яъни Муҳаммад Раҳимбийнинг "хон" унвонини олишини тадқиқотчилар илмий жиҳатдан таҳлил қилишди.

Кейинги олиб бориладиган тадқиқотлар жараёнида Кўқон хонлари шажарасининг Заҳириддин Муҳаммад Бобурга қанчалик алоқадор эканлиги ўз ечимини топади.

А.Отахўжаев (Ўзбекистон)

"Бобурнома" Зарафшон водийси тарихий географияси бўйича муҳим манба сифатида

Давлат арбоби, тарихчи ва ўзбек мумтоз адабиёти йирик вакили Заҳириддан Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари XV аср охири - XVI аср бошларига оид муҳим манбалардан биридир. Унда муаллифнинг нафақат таржимаи ҳоли ва кечмиши, балки 1494-1529 (899-936 ҳ.) йиллардаги воқеликлар муфассал ёритилган, улар ҳам тарихий, ҳам тарихий географик таҳлилда баён қилинган. Жумладан, Бобурнинг бевосита ўзи иштирок этган Темурийлар давлати инқирози ва Муҳаммад Шайбонийхон сулоласининг ҳокимиятга келиши жонли акс эттирилган. Бунда Бобур сўнгги темурийлардан бири сифатида ўз сулоласи манфаатининг ҳимоячиси эди.

"Бобурнома" тарихий воқеликларни баён қилиш билан чекланмай Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Шарқий Эроннинг тарихий-географик манзарасини ҳам акс эттирган. Жумладан, Бобур Ўрта Осиё воқеалари тафсилотида ўзи бўлган ҳар бир жойни, тарихий маданий вилоятни, ҳудудларнинг умумий манзарасини нигоҳдан ўтказади. Айниқса, Ўрта Осиёнинг Фарғона, Чоч, Уструшона, Суғд ва Чағониён каби тарихий-маданий вилоятларини ўрта аср географи қарашлари билан тасвирлайди.

1497-1501 йиллар воқеалари бевосита Зарафшон водийси – Суғд тарихий-маданий вилояти билан боғлиқ. Аввал 1493 йил воқеалари баёнида Бобур, отаси Умаршайх Мирзонинг Самарқандни эгаллаш мақсадида Уструшона ва Суғд чегарасидаги, Ўратепа яқинидаги Оққопчай (Оққопчиғай)га келиб тўхтаганини эсга олади. У Оққопчай ва Самарқанд ораси 18 йи-гочлигини, Хўжанддан Самарқандгача ва Хўжанддан Андижонгача масофа бир хил - 25 йиғоч эканлигини таъкидлайди. Бу Бобурнинг ўз ватани қадимий тарихидан бохабар эканлигини кўрсатади. У қадимда Зарафшон водийси Суғд деб аталишини биларди. 1495-1496 йиллар воқеалари баёнида ўз қўшинлари билан "Самарқанд пастида Суғд томонида" тўхтаганини ёзади. Шу ўринда Зарафшон дарёсини Кўҳак суйи (суви) деб атайди. Айниқса, "Бобурнома"да Самаркандниng шарқи Шавдор тоғи ва Ургут қалъаси батафсил

тасвирланган. Самарқанд хақида "Рубъи маскун"да "бундай латиф шаҳар камрокдур" деб таъриф беради. Шаҳарнинг бешинчи иқлимга жойлашганлигига урғу беради. У шаҳарнинг ҳар бир қаричини, бобоси Темурдан мерос кўчаю дарвозаларини, ариқ ва боғларини баён қилади. Оҳанин дарвозаси каршисидаги Қусам ибн Аббос мақбарасини "Мазори шоҳ" (ҳозирги "Шоҳи зинда") деб атайди. Шахсан унинг буйруғи билан Самарқанд қалъаси девори ўлчаниб, 10.600 қадамлиги аниқланади. Унинг фикрича, шаҳардаги энг қадимий масжид Лаклака масжидидир. Конигилни эса у Қорасув ёки Обирахмат бўйидаги Самарқанд ҳукмдорларининг ёзги сайилгоҳи сифатида эслатади.

Ғарбий Суғд – Бухоро хусусида, бу шаҳар Самарқанддан ғарбда 25 йиғоч масофада эканлигини таъкидлайди. Бухорода бир неча туманлар борлиги айтилади. Воҳада боғлар ҳамда полиз эканлари кўп ва серҳосиллиги, айниқса, бухоро чоғири – шароби беқиёс эканлиги таърифланади.

Жанубий Суғд – Кешни Самарқанддан 9 йиғоч масофадалиги, улар оралиғидаги тоғли давон Итмак деб аталишини ёзади. Шаҳрисабз бобоси Темурнинг туғилган юрти эканлигини тилга олади. Жанубий Суғднинг дашт қисми Қаршини камсув воҳалигини, қадимда бу шаҳар Насаф ва Нахшаб деб юритилганлигини ўз билими даражасида тасвирлайди.

"Бобурнома"да Зарафшон ўрта оқимидаги Кармина ва қуйидаги Қоракўл ҳамда Қарши воҳасидаги Ғузор вилоятларига ҳам таъриф берилган. Асарда Суғд, Ёряйлоқ, Шавдор туманлари ва Алиобод чорбоғи хусусида ҳам тафсилотлар мавжуд. Бу Бобурни географ олим сифатида намоён қилади.

Хулоса қилиб айтганда, "Бобурнома" асари ва ундаги тарихий-географик маълумотлар Ўрта Осиё ва унга туташ ҳудудлар халқларининг XV аср охири –XVI бошларига оид бебаҳо меросидир.

Ш.Шодмонов, Н.Ўрмонов (Ўзбекистон)

Бобурнинг иқтисодий қарашлари ва ижтимоий ҳимоя

Иқтисодий тафаккур жамият тараққиётига фаол таъсир этадиган омиллардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда шаклла-

наётган миллий иқтисодий тафаккурнинг умумбашарий инсонпарварлик даражаси миллий меросни синчиклаб ўрганишга бевосита боғлиқ. Шу боис, миллий маънавий хазинани ўрганиш, тахлил қилиш ва хулосалар чиқаришдаги муҳим саҳифалардан бири марказийосиёлик мутафаккирларнинг пухта асосланган иқтисодий қарашлари, гоялари ва назарияларидир.

Бинобарин, давлат арбоби, олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) нинг серқирра илмий-амалий меросидаги тадқиқот талаб саҳифалардан бири - иқтисодий масалалар эканлигини таъкидлаш мумкин. Хусусан, қомусий асар «Бобурнома» билан бир қаторда «Мубаййин»да ижтимоий-иқтисодий муаммолар муҳокамаси ва ечимига эътибор қаратилган. Бобур иқтисодий мулоҳазаларининг негизи ислом шариати қоидалари билан чамбарчас боғланган. Бобурнинг эзгу фикрлари эзгу амалиёт билан йўғрилган. Чунончи, у кишининг қарашларида иқтисодий муносабатларнинг такомиллаштирилиши эвазига мамлакат бирлиги ва салтанат мустаҳкамлиги таъминланиши, тинчлик, осойишталик ва меъёрдаги солиқлар иқтисодиёт равнақининг муҳим омиллари сифатида таъкидланган. Бобур юритган иқтисодий сиёсат мамлакат ободлиги ва раиятни ижтимоий ҳимоялашга хизмат қилган. Жумладан, у киши юритган иқтисодий сиёсатда ишлаб чиқариш ва тижорат муносабатларига, солиқ ва бож тўловларига табақалаш тирилган адолатли ёндашув қўлланилган. Мол-мулк, бойлик миқдори бир нисоб (80 гр олтин)га етган кишилар муҳтож аҳолига ихтиёрий равишда ўз даромадларидан закот бериш жорий этилган. Закот ҳам мол-мулк турига караб табакалаштирилган. Янги ўзлаштирилган ерлар 2-3 йилга солиқдан озод этилган. Мусулмончиликдаги анъанавий ер солиги–хирож икки тоифага бўлинган: мукассам ва муваззар. Мукассам олинган ҳосилнинг миқдорига боғлиқ бўлиб, унинг учдан биридан-ярмигача бўлган қисми кўзда тутилган. Муваззар эса солиқ солинадиган ернинг майдонига боғлиқ равишда белгиланган. Шунингдек, "Агар ердан икки ҳосил олсанг, хирожни ҳам икки марта тўла" деб ҳам қайд этилган.

Суғориладиган ерлар учун белгиланган сув солиғидаги имтиёз сунъий воситалар (кориз, чиғирлар) қўлланилишига қараб белгиланган. Бобурнинг таъкидлашича: "Агар суғориш даврида чиғир қурсанг, олинган ҳосилнинг ўндан бирининг ярмини (5 %)

солиқ учун тўлашинг керак".

Марказий Осиё ва Ҳиндистоннинг Буюк ипак йўлида жойлашганлиги сабабли, тижоратнинг иқтисодиёт равнақидаги аҳамиятига алоҳида эътибор берилган. Савдо карвонларининг хавфсизлиги қатъий назоратда бўлган. Мусулмон савдогарлардан олинадиган "тамға" солиғи бекор қилинган. Улардан олинадиган савдо йиғими савдо айланмасига нисбатан 20 мисқол (1 мисқол – 4,5 грамм) олтиндан 1 мисқол ҳисобида белгиланган. Шунингдек, солиқ ҳиссаси даромад ҳиссасига нисбатан камайиб борган. Мусулмон бўлмаган мамлакатлар савдогарларидан олинадиган солиқ миқдори мусулмон савдогарларидан олинадиган солиқ миқдорига тенглаштирилган.

Агра билан Кобул оралиғида ҳар ўн беш мил масофада чопарлар учун от алмаштирадиган ва дам оладиган мусофирхоналар ташкил этилган. Уларда олтитадан от ва унга қарайдиган хизматчилар бўлган. 332 йил давом этган Бобур ва бобурийлар салтанати (1526-1858) Ҳиндистон тарихида ўчмас из қолдирди. Юрт ва аҳоли фаровонлигида эришилган ижобий натижаларни мустақил Ҳиндистоннинг машҳур бош вазири Ж.Неру ва бошқалар эътироф этган.

Бу эса мутафаккир ватандошимиз Бобур яратган асарлардаги иқтисодий ғоялар ва бобурийлар юритган амалий иқтисодий сиёсат нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий-маърифий аҳамиятга моликлигидан ҳам далолат беради.

БОБУР ВА БОБУРИЙЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

Д-р Магда Салаҳ Маҳлуф (Миср)

"Бобурнома"нинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни

Заҳириддин Муҳаммад Бобур инсоният тарихида энг кўзга кўринган шахслардан бири бўлиб, у айниқса, Ўрта Осиё халқлари тарихида алоҳида ўрин тутади. У Ҳиндистонда ўз давлатини барпо этиб, Темурийлар салтанатининг давомчиси сифатида у ерда уч асрдан кўпроқ ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласига асос солди. Бобур яратган ва "Бобурнома" номи билан бутун жаҳонга машҳур бўлган мемуар асари ҳам жаҳон тарихида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб келмоқда. Унда Бобур яшаб ижод этган даврнинг муҳим воқеалари, Ўрта Осиё халқларининг тарихий ва маданий салоҳияти ёркин лавҳалар асосида тасвирланган. "Бобурнома" – Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистон тарихи бўйича туркий тилда яратилган нодир манбадир. У шунингдек, XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ва маданий тараккиёти тарихини ўзида мужассам этган муайян билимлар манбаи ҳамдир.

"Бобурнома" илм аҳли учун Ўрта Осиё ва Ҳиндистон минтақаларини тарихий, ижтимоий маданий тараққиёти даражасини тадқиқ этиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга асардир. У ўзбек халқи тарихи, адабиёти ва тилининг энг жозибали қирраларини ёритувчи бетакрор манба бўлиши билан бирга унда баён этилган тарихий воқеаларнинг ҳаққонийлиги асарнинг катта меҳнат ва иктидор самараси эканлигидан далолат беради. Асар муаллифи эса унда ўзининг юксак маданий ва ахлоқий фазилатларини намоён қилади.

"Бобурнома"ни ўша асрларда яшаб ижод этган ва шу давр тарихини ёритган бошқа тарихчилар асарлари билан қиёсласа, Бобурнинг улардан воқеаларни чуқур билиши ва ростгўй баён қилиши билан алоҳида ажралиб туришини кўрамиз.

Муҳими, Бобур воқеа ва ҳодисаларни муболагасиз ва ҳеч бир ўзгаришсиз баён қилади. Бобур эсдаликларининг илмий аҳамиятининг бекиёслиги ҳам шундадир. Бундай

ҳаққонийликнинг стишмаслиги ўша давр тарихий асарларининг аксарияти учун хос бўлган хусусиятдир.

"Бобурнома" жаҳон маданияти тарихида ўлмас тарихий ва адабий қимматга эга асар сифатида муносиб ўрин эгаллайди. Шу сабабдан ҳам у жаҳоннинг инглиз, француз, урду, форс, туркий ва бошқа тилларга таржима қилинган. Биз эса бу асарни араб тилига ўгирдик.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Бобурнинг тарихдаги ўрнини белгилаш;
2. "Бобурнома" асарининг тарихий манба сифатидаги аҳамиятини кўрсатиш;
3. "Бобурнома"нинг ислом ва жаҳон маданиятида тутган ўрнини аниқлаш.

А.Қаюмов (Ўзбекистон)

Бобур даврида Андижон маданий муҳити

Мовароуннаҳрнинг бир бўлаги Фарғона вилояти ва унинг XV аср охирларидаги маркази Андижон маданий муҳити тўғрисидаги конкрет тарихий ва адабий маълумотлар ҳозирча қўлимизда кўп эмас.

Бу тўғрида хабар берувчи манбалар, асосан Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асари, Бобурнинг "Бобурнома"си, Амир Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" китоби, Ҳасан хожа Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" и ва Дарвеш Алининг мусиқийга оид асаридир (XVII аср).

Булар қаторига XX асрда тузилган "Тазкират уш-шуаро" тазкирасини ҳам қўшмоқ керак. Бу тазкира қўқонлик муаллим ва ўлкашунос олим Пўлатжон домулла Қайюмов (1885-1964) қаламига мансуб.

XX асрда яшаб ижод этган машҳур тарихшунос олим Ю.Н.Якубовский ва унинг шогирди ўзбек олимаси С.А.Азимжонова XV аср иккинчи ярмидаги Андижон маданий муҳитига оид муҳим маълумотлар бериб ўтганлар. Бу жиҳатдан С.Азимжонованинг "К истории Ферганы второй половины XV в." асари, айниқса, диққатга сазовордир.

Андижон ҳукмрони Умаршайх саройида мухрдорлик вази-

фасини адо этган Амир Хожа Мулла Содир Андижоннинг машхур олим ва фозилларидан эди.

Андижон амирларидан Дарвешбек ҳам замонасининг таниқли хаттотларидан бўлган. Андижон ҳукмрони Умаршайх Мирзонинг амирларидан яна бири Ҳасан Яъқуббек мардона жангчи ва шижоатли инсон бўлган. Унинг шеърларидан айрим намуналар ўша вақтларида анча шуҳрат топган экан.

Заҳириддин Бобурнинг биринчи тарбиячиси Шайх Мазидбек бўлган. Унинг вафотидан кейин Бобурга тарбиячи этиб Бобоқулибек тайинланган.

Бобурнинг отаси Умаршайхнинг адабиётни яхши билгани, Низомий ва Хисрав Дехлавийларнинг "Хамса" асарларини севиб ўқиганидан ("Хамсатайн") "Бобурнома" орқали хабардормиз.

Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг отаси Тошкент ҳукмрони Юнусхоннинг ҳам табъи назми бор эди.

Ўша даврда яшаб ижод этган андижонлик шоирлар Юсуф Балиий Андижоний, Юсуф Сафоий Андижонийлар тўғрисида Навоий "Мажолис ун-нафоис"да хабар бериб ўтади.

"Бобурнома"да андижонлик мусиқа устаси Хожа Юсуф билан Андижон халқининг фахр қилмоғи айтилган.

Дарвеш Алининг мусиқага оид асарида кўрсатилишича, Хожа Юсуф шоир ҳам бўлган. У шаҳзода Бойсунқур Мирзо даргоҳида хизмат қилган. Унинг яратган мусиқий ва бадиий асарлари таҳсинга сазовордир. Хожа Юсуф машҳур мусиқа устаси ва бастакор Ғулом Шадий шогирди экан. У ўзининг бир мусиқа асарини Хожа Юсуф номи билан атаган. Бу нақш халқ ўртасида нақши Хожа Юсуфий номи билан шуҳрат топган.

Мусиқага оид асарни яратган Дарвеш Алининг ўзи ҳам Андижонга тааллуқли эканини ўз китобида айтиб ўтган.

Яна мусиқа соҳасида ўз даврининг машҳур усталари Дарвеш Максуди Андижоний, Мавлоно Ҳусайн каби санъаткорлар ҳам Андижон вилоятидан бўлганлар.

"Музаккири аҳбоб" тазкирасида андижонлик шоирлардан Мавлоно Фозил Андижоний, Мавлоно Насибий Андижоний, Мухаммад Шараф Садрлар тўғрисида маълумотлар бор. "Тазкират уш-шуаро"да эса Шох Тоҳири Андижоний, Али Навидий, Фиркатий, Калон, Сипоҳий каби андижонлик шоирлар тўғрисида маълумот бериб ўтилган.

Бобур Андижонда яшаган даврдаги маданий мухитга алоқадор шоирлар, олим ва фозиллар тўғрисидаги маълумотлар секин-аста йигилмоқда. Бу соҳадаги ишларимиз ўз давомини топмоғи керак. Бобурдек буюк маданият арбоби яратган муҳитнинг барча қирралари очилмоғи лозим.

Д-р Ҳасан Бег (Покистон)

Бобурнинг адабий мероси

Бобур темурийзодалар орасида энг жозибали шахслардан бири бўлган. У давлат арбоби бўлиш билан бирга адиб, шоир ва олим сифатида қатор адабий ва илмий асарлар ҳам яратган. У "Бобурнома" мемуар асарида бошидан кечирган воқеа ва ҳодисаларни танқидий нуқтаи назар билан очиқ, рост ва равшан баён қилган. Унда у ўзининг мақсадлари, оилавий ҳаёти, босиб ўтган юртларининг тарихи ва жуғрофияси ҳақида батафсил тўхтайди. Бундан ташқари, у тарихий шахслар ва бутун ҳаёти давомида мулоқотда бўлган инсонлар қиёфаси ва уларнинг фаолияти, қишлоқ аҳолиси, ҳайвонот ва наботот олами, денгиз ҳайвонлари ва уларнинг турлари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Асарнинг аксар қисми баёни Бобурнинг Ҳиндистонни забт этганидан сўнг, лекин воқеаларнинг баёнидан асарнинг бир қисми Бобур ҳаётининг Афғонистонда бўлган даврида ёзилганлиги сезилиб туради.

Асарда Бобурнинг ўз бошидан кечирган дарду аламлари, бехуд ва касал ҳолатлари ва улардан эсон-омон қутилганликлари баёни ҳам ўрин олган.

"Бобурнома" жаҳоннинг кўп тилларига ўгирилган. Асарнинг асл нусхаси туркийда, кейинчалик у форсийга Абдураҳим Хонихонон томонидан таржима қилинган. "Бобурнома" асарининг туркий тилдаги энг қадимий нусхаси Ҳайдароботдаги "Саларжанг" музейида сақланиб келмоқда.

Бобур туркий тилда ижод қилган улуғ шоир ҳамдир. У ўзидан иккита девон қолдирган. Улардан бири Париж Миллий кутубхонасида, иккинчиси Истанбулда сақланиб келади. Истан-

бул девонида Бобурнинг ўз қўли билан тузатишлари бор. Шоир "Девони"нинг Рампур нусхаси ҳам илмга маълум. У ҳажман бир оз кичкина.

Бобур лирик мероси орасида маснавийда битилган ва 2258 байтдан иборат "Мубайййин" асари ҳам алоҳида ўрин тутади.

Бобур, шунингдек, Хожа Убайдулла Аҳрорнинг отаси илтимоҳига кўра нақшбандия тариқати сўфийларининг қарашларини баён қилиб ёзган "Волидия" рисоласининг форс тилидан туркий тилига назмда таржима қилган. Бу таржимани амалга оширишдан асосий мақсад "Қасидаи бурда"нинг таржимони ўз касалидан фориғ бўлгани каби, касалдан фориғ бўлиш эди. Бобурнинг бу мақсади Аллоҳ таолонинг қудрати билан амалга ошади.

Бобур, шунингдек, туркий шеърият асосларини баён қилувчи "Аруз рисоласи"ни яратди. Бу асар орқали Бобур ўзининг назарий қарашлари ва Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" асарида баён қилинган шеърият қонуниятларининг янги қирраларини очиб бериш орқали арузшунос олим сифатида майдонга чиқади. Бобурнинг бу асари Парижда сақланаётганлиги ҳақида маълумотни дастлаб доктор Фуад Кўпрулизода берган.

"Аруз рисоласи" қўлёзмаси Техрондаги Салтанат кутубхонасидан топилди. Бобур унда 504 вазнининг тақтиъини баён қилган ва уларни байтлар мисолида келтирган. Эйжи Манонинг таъкидлашича, "Аруз"да 504 вазн тақтиъи эмас, 498 вазн тақтиъи баён қилинган экан.

Бобур, шунингдек, "Бобурий хати"ни ихтиро қилган. Унинг намуналари Машҳадда ва Тошкентда мавжуд. У тўғрида ҳали маълумотлар кам.

Бобур Ҳумоюнга "Васиятнома" ҳам ёзган. У Бхўпалда топилиб, сўнгра йўқолган. Бобур Ҳиндистонда бўлган чоғида ҳиндча шеърлар ҳам битишга киришганлиги ҳақида "Бобурнома" саҳифаларида маълумотлар келтирилган. Бу битиклар ўзга ватан, ўзга халқ, ўзга тил билан мулоқот қилаётган хорижликнинг ўзига хос талаффузи ва ёзилиши билан ажралиб туради.

"Бобурнома"нинг 926 йил воқеаларида Бобур мусиқа илмига оид рисола ҳам битганлигини қайд этиб ўтади. Лекин унинг қўлёзма нусхаси қаердалиги ҳозиргача илмга номаълум бўлиб келмоқда.

Ҳ.Қудратуллаев (Ўзбекистон)

"Бобурнома"да реал тасвир манзаралари

Ҳар бир асарнинг ўзига хос жиҳатлари бўлганлиги сингари Заҳириддин Бобурнинг "Бобурнома" асари ҳам ўзининг соддабаёнлиги, реал ҳаётни имкони борича аниқ тасвирлаши билан бир қаторда илмийлиги, бадиий юксаклиги билан алоҳида ажралиб турадиган нодир асар сифатида қадрлидир. Бобур тасвирлаган табиат манзараси, тарихий шахсларга бўлган холисона муносабат, табиат ҳодисаларини борича, юксак идрок, илмий хулосалар билан зикр этиш, ҳаётда содир бўладиган воқеаларнинг каттакичиклиги, давлат манфаатига моликлигию кундалик содир бўладиган оддий ҳодисалар бўлмасин рост, ўқувчи ишончини қозонадиган даражада тасвирлайдики, ҳайратланарлидир.

Инглиз тарихчиси Лейн Пуулнинг Бобурга берган баҳосига қарайлик: "Унинг мемуарлари бир аскарнинг ҳарбий юриш ва чекинишлари ҳақидаги оддий кундалик дафтар эмас, бу хотираларда Шарқ адабиётини жуда яхши билган, нозик ва билимдон кузатувчи, одамларни синчиклаб ўрганадиган, улар ҳақида холис ва одил фикр юрита оладиган мутаассир қалб эгасининг дунё ҳақидаги шахсий таассуротлари ва нозик фикрлари берилган".

"Бобурнома"да ҳаёт воқеалари реал ифодаланганлиги, натурализм кўринишлари мавжудлиги, айни пайтда бу икки жиҳатнинг уйғунлиги диққатни тортади. Муаллиф асарида фақат далиллар келтириш билан қаноатланмай, балки улуғ санъаткорнинг поэтик маҳоратини очиб беришга, унинг теран фалсафий тафаккури кўламини кўрсатишга, асардаги мавзулар моҳиятини батафсил ёритишга интилган.

Мисолларга мурожаат этамиз. Кобулда бўлган зилзиланинг "Бобурнома"даги баёнида том маънодаги ҳаққоний бадиий талқинни кўриш мумкин. Асардаги кўплаб реал тасвирлардан кўз юммаган ҳолда бу дахшатли табиий офатнинг Бобур томонидан нақадар маҳорат билан ифодаланганлигининг ўзини инобатга олганда ҳам "Бобурнома"ни жаҳон адабиётининг нодир намуналари қаторига киритиш мумкин. Зотан, зилзила тасвири муаллифнинг теран мулоҳаза соҳиби бўлиш билан бирга, яхшигина рухшунос, моҳир тасвирчи, воқеаларни қиёсий таҳлил этишда юксак

маҳорат зоҳир этган адиб сифатида кўз ўнгимизда гавдалантиради: " Бу аснода андоқ зилзила бўлдукум, қўрғоннинг фасиллари ва боғларининг томлари аксар йиқилиб, шаҳарда ва кентларда кўп уйлар хамвор бўлуб, уй ва том остига қолиб, ўлган бисёр бўлди... Пағмон била Бектут орасида бир парча ерким, арзи бир-гина тош отими бўлгай, учуб, бир ўқ отими қуйи борди. Учқан ернинг ўрнидин чашмалар пайдо бўлди..."

Заҳириддин Бобур насридаги шоирона ибора ва тиниқ тасвирлар муаллифнинг фикрлаш миқёсидан далолат беради. Масалан. Бобур тасвирлаган бу табиат мўъжизаси - поёнсиз сув омборини кўрайлик. У сувнинг иқтисодий томони, сарфланиши, хатто, кайси минтака ерларини суғоришга яроқлилигини батафсил тасвирлайди. Бу тасвирда Бобурнинг бугунги Афғонистон ерларининг жанубий-шарқий минтакасини нақадар пухта билгани, мазкур кўлнинг асоси қаердан пайдо бўлиши ("мунда йиғилур сувлар Каттавоз водийсининг ва Зурмат жулғасининг ва Ғазни рудининг, баҳор ёмғурларининг селлари ва ёзлар сув улғайганда зироатдин ортқон сувлар эмиш") гача батафсил ёритиши муҳим. Бобурнинг реал тасвири ушбу кўлга қизиқиб якин борганда янада жозиба бахш этган. У кўл устида, киши кўз ўнгида ҳаракатланувчи "шафақ" пайдо бўлишини ёзади. Бир зумда Бобур онгида табиатнинг бу мўъжизасидан ҳайратга тушиш, унинг нималигини аниклаш, ҳақиқатига етиш каби психологик ҳолатлар кечади. Ана шу ички кечинма табиат ҳодисаси билан чамбарчас боғлик ҳолда ишонарли тасвирланган: "Оби Истодага бир курўҳ етганда ажаб нима мулохаза қилдук. Ҳар замон бу сув била осмоннинг орасида шафақдек нима қип-қизил кўрунадур, яна бартараф бўладур. Ёвуқ етгунча бу ҳол эди, ёвуқ етганда маълум бўлдуким, тоғлон коз экандур. Не ўн минг ва не йигирма минг асру кўп тоғлон коз, қалин тоғлон коз учуб канот урғонда қизил парлари гоҳ кўрунуб, гоҳ кўрунмас экандур".

"Бобурнома" юқорида таъкидлаганимиздек, реал тасвирларга бой асар. Муаллиф ўз тасвирлари учун атайин вақт, замон, макон танламайди. У ҳисобсиз сафарлари пайтида нимани мушоҳада этса, нодир ҳолатлар ва воқеаларни пайқаса, асарида тасвирлаб бораверган. Бобурни ҳайратга туширган қуйидаги воқса фикримиз далили бўла олади. Бунда турли тасодифларга бой ҳаётнинг ичидан айнан шу ҳолатни танлаган Бобурга тасанно

дейсиз. Боз устига, Бобурнинг бу воқеани қисқа, лўнда, жозибали ифодалагани алоҳида эътиборга молик: "...Санжид дарасининг ораси била ўтуб, Хожа Сеёроннинг якиниға стганда, бир улуқ йилонким, йўғонлиғи билакча ва узунлиғи бир қулоч бўлғай эди, ўлтурулди. Бу улуғ йилоннинг ичидин бир инчкарак йилон чиқти, ғолибо ўшул яқинда ютуб экандур, бори аъзоси бутун эди. Бу инчка йилон бу улуғ йилондин жузвий қисқарок бўлғай эди. Бу инчка йилоннинг ичидин бир катта сичқон чиқти, ул ҳам бутун эди, ҳеч ери ҳал бўлмайдур эди".

"Бобурнома"даги ҳаётни айнан акс эттирган реал, натуралистик тасвирлардан бир-икки намуна келтирдик, холос. Бундай мисолларни бу нодир асарнинг қарийб ҳар бир саҳифасидан келтириш мумкин. Шу жиҳат Бобур услубини, "Бобурнома"нинг ўзига хос хусусиятини белгилайди.

С.Ҳасанов
(Ўзбекистон)

Бобурийлар мероси АҚШда

Бобурийлар яратган бой мерос жаҳоннинг турли хазиналаридан муносиб жой олганлигининг ўзи бу меросга бўлган қизиқишнинг ҳозир ҳам нақадар катта эканлигидан далолат беради. Чунончи, АҚШ Огая штатининг пойтахти Цинциннати шаҳрида ўнлаб музей ва йирик кутубхоналар мавжуд. Шулар орасида ноёб архитектура ёдгорлиги сифатида кўзга ташланиб турадиган муҳташам бинода Санъат музейи жойлашган бўлиб, унда Америка ва Европа тарихига оид ноёб асарлар намойиши билан бирга Шарқ халқлари, айниқса, форс ва туркий халқлар маданиятига оид бой мерос ҳам унинг хазинасида кўзқорачиғидек сақланиб келаётганлиги бизни таажжубга солди. Санъат музейи хазинасида ўзбек халқининг буюк шоири, Давлат арбоби ва қолаверса, Темурийлар сулоласининг Ҳиндистондаги давомчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларига мансуб шаҳзодаларнинг 1526 йилдан то 1858 йилгача бўлган тарихий ва маданий ёдгорликларининг энг ноёб нусхаларининг музейдан

жой олганлиги хар бир ўзбекнинг қалби ва шуурини хайратга солмай қўймайди.

Глен Маркойнинг айтишича, бобурийлар ҳукмдорларига мансуб бўлган бу тарихий обида ва ашёларнинг Санъат музейига келиб тушиши ўз тарихига эга экан. Уларнинг бир қисми, сопол буюмлар, мисдан ишланган кўза ва Кашмир рўмоллари музейга харид килинган (XVIII-XIX асрларга оид) бўлса, бир қисми хоним Жозеф Сван Нив ва Рат Харрисонлар томонидан 1923 йилда Дехлида Имр Швейжер исмли тадбиркордан сотиб олинган. Бу нодир тарихий ва маданий ёдгорликлар 1950-1951 йилларда Жон Нажак томонидан музейга ҳадя сифатида топширилган. Бу тухфалар орасида энг диққатга сазовор ва бевосита бобурий ҳукмдорларига оид бўлган ва Манўҳар Дас номли ижод соҳиби мўйқаламига мансуб миниатюра асаридир. Бу асар 1602 йилда ишланган бўлиб, унда император Акбаршоҳнинг қадрдон дўсти Мирза Азиз Кўкани ўз даргоҳида қабул қилаётганлиги акс эттирилган. Шунингдек, Цинциннати Санъат музейига 1962 йил Уильям ва Луиза Тафт Семпл ва бошқалар томонидан қилинган тухфалар хам музей фондини бобурийлар тарихига оид қимматли манбалар билан янада бойитишга хизмат қилган. Шулар орасида, айникса, Акбар ва ундан кейинги даврларда шухрат қозонган Саъдийнинг «Гулистон» асарига ишланган миниатюралар алохида ахамият касб этади.

Музей фондида сақланаётган бобурийлар кутубхонасига оид айрим қўлёзмаларга ишланган миниатюраларда Ҳиндистон мамлакатини бирлаштириш ва ягона империя барпо этиш йўлидаги харбий юришлар акс эттирилган тарихий лавҳалар суратлари акс эттирилган бўлса, бошка бир гурух қўлёзмаларда Ҳиндистондаги бобурийлар сулоласининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган тарихий воқеалар, маиший хаёт тарзи ўз аксини топган лавҳалар алохида ахамият касб этади. Мазкур қўлёзмаларда Ҳиндистон давлат арбоблари – Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Шоҳжахон, Доро Шукух, Шоҳ Шужоъ ва Аврангзебнинг севимли ўғли Аъзамшоҳ сиймоларининг ва бобурийлар Ҳиндистондаги сўнгги ҳукмдорларидан бири Акбар II нинг ўз аъёнлари ҳузуридаги тасвири экс эттирилган миниатюралари Бобур ва унинг авлодларининг жаҳон цивилизацияси ривожига нақадар улкан хисса қўшганлигини ёркин далилловчи тарихий ҳужжатлардир.

Цинциннати Санъат музейи хазинасида юзга яқин тарихий ва санъат асарлари сақланиб келинмоқда. Биз уларнинг айримларинигина тилга олиб ўтдик холос. Шуларнинг ўзиёқ бобурийлар ижодкорлигининг кўп қирралилиги, бой меросининг хилма-хиллиги ва ранг-баранглигини кўрсатади. Бундай меросимизнинг бир қисми ватанимиздан анча олисда АҚШда сақланиб келаётганлиги илм-фан тараққиёти йўлида тинимсиз хизмат қилган бобокалонларимизнинг башарият тарихида ўчмас из қолдирганлигига яна бир ёркин мисолдир.

А.Нурмонов (Ўзбекистон)

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг лингвистик қарашлари

Темурийлар саройида бола тарбиясига, темуриизодаларни даврининг барча билимларини эгаллашларига алоҳида аҳамият берилди. Энг билимдон кишилар темурийзодаларга мураббий қилиб тайинландилар. Ана шундай тарбия натижасида темурийзодалардан бир қанча қомусий билим эгалари, дунёга донг таратган шоиру алломалар етишиб чиқдилар. Хусусан, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Гулбаданбегим, Зебуннисолар шулар жумласидандир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ажойиб саркарда, буюк давлат арбоби, истеъдодли шоир, муаррих, географ, этнограф, адабиётшунос, исломшунос, ҳарбшунос, мусиқашунос сифатида дунё илм аҳлига маълум ва машҳурдир.

У тилшуносликка доир махсус асар ёзмаган бўлса ҳам, лекин ўзининг қомусий асари бўлган «Воқеанома» («Бобурнома») сида тилшуносликка доир бир қатор қимматли фикрларини баён қилади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тилининг истиқболи йўлидаги курашини давом эттирди. У нутқ маданиятига, нутқнинг содда, равон, тушунарли бўлишига алоҳида аҳамият берди. Ижодий фаолиятида доимо бунга амал қилди. Бошқаларни ҳам шунга даъват этди.

Бобурнинг нутқ маданиятига алоҳида аҳамият бериши бежиз эмас эди. Чунки антик даврда ҳам, араб халифалигида ҳам нутқ маданиятига ҳар қандай зиёли кишининг, айниқса, давлат

арбобининг эгаллаши лозим бўлган энг муҳим санъат тури сифатида қарар, фақат шундай санъатни эгаллаган кишигина мохир давлат бошқарувчиси бўлиши мумкин, деб ҳисобланар эди.

Бобурнинг ўзи ҳам жангда таҳликага тушган аскарларни бир неча бор жанговар ва таъсирчан нутқи орқали дадиллаштирган, ғалабага ишонч руҳини уйғотган ва шу туфайли муваффақият қозонган.

Шунинг учун у ўз фарзандларининг ҳам бу санъатни эгаллашини энг муҳим вазифа деб билган. Фақат оғзаки нутқнинг эмас, балки ёзма нутқнинг ҳам содда, равон ва саводли бўлишига эришиш ҳар бир зиёлининг вазифаси ҳисобланган.

Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган мактуби фикримизнинг далилидир. **«Хатингни ҳуд ташвиш билан ўқуса бўладур, вале асру муғлақтур (жуда чалкашдир). Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас. Агарчи хейли рост эмас, илтифотни "то" била битибсен. Кулунжни "ё" била битибсен. Хатингни ҳуд ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин (чалкаш сўзлар) мақсуд тамом мафҳум бўлмайдур (тушунмайди). Ғолибо хат битирда коҳиллиғинг (бўшлиғинг) ҳам ушбу жиҳаттиндир. Такаллуф (ҳашамат, безак) қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ бўладур. Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз (тил) била бити; ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучиға»** (БН-65).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур жаҳон филологиясининг бешиги бўлган ҳинд ва дунёга шуҳрат қозонган араб филологияси анъаналаридан баҳраманд бўлди.

Бобур ўз вокеаномасида бир қатор сўзларнинг этимологияси ҳақида фикр билдиради. Жумладан, *Саволак парбат* (Ҳимолай тоғи) этимологияси ҳақида ёзади: **«Бу тоғни Ҳинд эли Саволак парбат дерлар. Ҳинд тили била «Саво» - рубъ (яъни чорак-А.Н.), «лаю» - юз минг, «парбат» - тоғ, яъни рубъ ва юз минг тоғким, юз йигирма беш минг тоғ бўлғай»** (БН-343).

Конибодом, Ҳодарвеш, Шаҳрисабз, Қарши, Кашмир, Конигил, Масжиди мукаттаъ сингари жой номларининг ҳам номланиш сабаблари ҳақида маълумот берилади.

Бобур маълум лақаб ёки тахаллус билан изоҳланувчи атоқли отлар ҳақида фикр юритар экан, бундай лақаб ва тахаллусларнинг этимологияси ҳақида ҳам қизиқарли маълумот беради. Масалан, *ола-*

ча лақабининг этимологияси ҳақида ёзади: «**Султон Маҳмудхондин кичик Султон Аҳмадхон эдиким, Олачахонга машҳурдир. Олачанинг важҳи тасмияси муни дерларким, қалмоқ ва мўғул тили била ўлтургучини «олачи» дерлар. Қалмоқни неча катла босиб, қалин кишисин киргон учун "олачи" де-де касрати истиъмол била Олача бўлубтур**» (БН-69).

Кобул вилоятининг тоғлари, тоғларидаги ўсимликлар ҳақида тўхталар экан, *бўтака* ўтининг номи ҳақида ёзади: «**Ўти тоғининг ва пуштасининг ва жулгасининг бирдек бўлур ва хўб бўлур, аксар бутака ўти бўлур, отға бисёр созвор ўттур. Андижон вилоятида бу ўтни "бутка" ўти дерлар, важҳи тасмияси маълум эмас эди, бу вилоятларда маълум бўлди. Бу ўт бута-бута чиқар учун бутака дерлар эмиш**» (БН-198).

Араб, ҳинд тилларининг ўзига хос товуш тизими, ўзбек тили товуш тизимидан фарқланиши, шунингдек, ҳар қайси тилнинг шевалараро фонетик фарқланиши, шунинг учун ҳам айрим сўзларнинг шу тилнинг фонетик қонуниятига мувофиқлашиши ҳақида фикр юритади. Масалан, «ушмунча дейдурларким, бу тоғ элини *кас* дерлар. Хотирга еттиким Ҳиндистон эли «шин»ни «син» талаффуз қилур». Ана шу фонетик қонуният асосида *Кашмир* топонимн *кас* этнонимн асосида вужудга келган этнотопонимн эканлиги изоҳланади.

Ламғон топонимининг *Ламғон* ва *Ламқон* ҳолидаги икки фонетик варианти мавжудлигини таъкидлаб, унинг сабаби ҳақида ёзади: «**Ҳазрати Нуҳ пайғамбарнинг отаси Мехтор Ломнинг қабри Алишанг туманидадир. Баъзи тарихта Ламак (Ламқон) ҳам дебтурлар. Ул элни хейли мулоҳаза қилилибтурким, баъзи маҳал «коф» ўрнига «ғайн» талаффуз қилурлар, бу жиҳаттин ғолибо бу вилоятни Ламғон дебтурлар**» (БН-19).

Шунингдек, араб тилида «г» товушининг йўқлиги, бу товуш иштирок этган сўзлар араб тилига ўзлаштирилган «ж» товуши билан алмаштирилиши баён қилинади. Масалан, *«норгилни араб муаррав қилиб норжил дер»*, - дейди. Бундан кўринадики, Бодуэн де Куртенедан анча олдин Бобур *алтернация* ва *корреспонденция* деб номланган ҳодиса ҳақида фикр юритади.

Ҳозирги тилшуносликда мазмуний йўналишнинг кучайиши натижасида эътибор кўпроқ тушунча категорияларига, мазмуний категорияларга тортилмоқда. Маълум бир умумий белгиси билан

бирлашган ва ўзаро маълум муносабатда бўлган олам унсурларининг умумлашган образларининг онгда акс этиши тушунча категориясини, маълум лисоний воситалар ёрамида ифодаланган бордик унсурларининг онгдаги умумлашган образи мазмуний категорияни хосил қилади.

Мазмуний категориялар мазмуний майдонни ташкил этади. Мазмуний майдон назарияси асосида тузилган тезаурус луғатлар пайдо бўла бошлади. Ана шундай луғат Европада 1852 йилда инглиз тилшуноси И.М.Роже томонидан яратилди. Шунинг учун ҳам шу вақтга қадар тилшуносликда тезаурус луғат тузишнинг асосчиси П.М.Роже деб ҳисобланади. Аслида мазмуний майдон тушунчаси, гарчи, шу термин билан номланмаган бўлса ҳам ўрта аср Шарқ тилшунослари ундан хабардор бўлган. Шунинг учун ҳам у «Вокеанома»да сўзларни маълум мазмуний майдонга бирлаштирган ҳолда изоҳлайди ва тезаурус луғат тузишнинг ажойиб намунасини кўрсатади.

Ҳиндистон воқеалари ҳақида фикр юритар экан, Бобур Ҳиндистоннинг ҳайвон, парранда, ўсимлик номлари, фасл номлари, ўлчов номларини батафсил изоҳлайди. Ўрни билан бошқа тилларда уларнинг қандай номланиши ҳақида чоғиштирма маълумот беради.

Шундай қилиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур умумўзбек лафзининг барча имкониятларини ишга солган ва устози Алишер Навоий анъанасини давом эттирган ҳолда, ўзбек тилининг сайқалланувида, бадиий публицистик, расмий ва илмий услубининг шаклланишида катта из қолдирган улкан сўз санъаткори бўлиши билан бирга, тилшуносликнинг графика, ономастика, этимология, лексикография соҳаларининг ривожига муносиб улуш қўшган тилшунос олим ҳамдир.

А.Иброҳимов (Ўзбекистон)

Бобур "Девон"идаги ўзлашма лексика

Маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг иккита девони бор – "Париж" девони ва "Ҳинд"девони. "Париж" девони деб аталишининг сабаби девоннинг нусхаси Париж Миллий кутубхо-

насида (№1308) сақланишидандир. "Ҳинд"девони Бобурнинг "Ҳиндқа келгали айтқан ашъорлари"дан иборат бўлиб, унинг ягона нусхаси Ҳиндистоннинг Рампур шаҳридаги Ризо кутубхонасида сақланади.

Бобурнинг лирик мероси салкам тўрт минг мисрани ташкил этади. Бобур "Девон"и лексикаси деярли ўрганилмаган. Б.Бафоев Бобур шеърлари лексикасини текширган. У "Девон"даги шеърлардан ташқари, "Мубаййин"дан 374 мисралик парчани ҳам таҳлил қилган.

Биз "Девон" лексикасини таҳлил қилиш учун қуйидаги асарларни олдик – иккала девондаги 3071 мисрадан иборат жами шеърлари, 504 мисрадан иборат "Волидиййа" рисоласида 3575 қатор шеърни таҳлил қилдик. "Волидиййа" асари "Ҳинд" девонидан ўрин олган. Шунинг учун уни ҳисобга киритдик, лекин "Мубаййин" алоҳида асар бўлганлиги учун биз уни таҳлил қилмадик. Шунингдек, "Девон"даги форсча шеърларни ҳам текширмадик.

"Девон"да ҳаммаси бўлиб 7072 та сўз-шакл ишлатилган. "Соф" девон (яъни таржима асар "Волидиййа"ни ҳисобга олмаганда) да 6308 та, "Волидиййа" рисоласида 1191 та сўз-шакл қўлланган. Сўз-шаклларнинг қайтарилганларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, "Девон"да 17878 та, "Волидиййа" да 2319 та жами – 20197 та сўз-шакл мавжуд.

Сўзларни келиб чиқиши жиҳатидан таҳлил қилинганида, "Девон" лексикаси туркийча, арабча, форсча ва қисман ҳиндча сўзлардан иборат эканлиги аниқланди. Туркийча сўз-шакллар – 3087 та, арабча – 2297, форсча – 1582 та ва ҳиндча – 7 та.

"Девон" лексикасининг морфологик таҳлили шуни кўрсатдики, соф арабча (**авом, адаб, айб, жамол** ва б.) сўзлардан ташқари 37 та арабча+форсча унсурлардан ясалган сўзлар (**вафо+дор, талаб+гор, ҳам+гусор** ва ҳ.к.) учради. Арабча-туркийча сўзлар 27 та – **вафо+сиз, заьф+лик** каби. Форса-арабча сўзлар 69 та – **бар+давом, но+лойиқ** ва ҳ.к. Форсча-туркийча сўзлар 67 та – **бегона+лик, доно+лиғ** каби. Уч тил унсури – форсча-арабча-туркийча унсурдан ташкил топган 5 та сўз қўлланган – **бе+адаб+лик, хуш+вақт+лик** ва б.

"Девон"да арабча, форсча сўзларнинг кўплик шакли асосан туркийча усулда **-лар** суффикси воситасида ясалган шароитлар,

савмлар каби. Арабча кўплик 22 марта учради – **абёт** (бирлиги - байт), **азкор** (бирлиги - зикр), **ахвол** (бирлиги - хол) ва б.

Бобурнинг "Девон"и ва бошқа асарлари, умуман, асар (матн) сўз бойлигини аниқлаш учун махсус компьютер программаси ҳамда муайян принциплар тузилди. Мана шу программа воситасида конкордансlар, 2 хилдаги частотали луғатлар, ўзлашма сўзлар рўйхати тайёрланди. Бобур асарлари сўз бойлиги аниқланди "Девон"да 3302 та, "Мубайиин"да 2616 та, "Аруз"да 2230 та сўз. "Девон" сўз бойлигини Алишер Навоийнинг айрим асарлари сўз бойлиги билан қиёслаб кўриш мумкин: "Мажолис ун-нафоис" да 3200 та, "Лисон ут-тайр"да 4005 та сўз ишлатилган ва х.к.

"Девон" лексикасида учрайдиган энг юқори частотали 100 та сўз таҳлил қилинди. Улар такрорлари билан 5919 марта учрайди ва "Девон"даги барча сўзларнинг 29,3% ташкил этади. Келиб чиқиши жиҳатидан текширилганда, уларнинг мутлоқ кўпчилиги 77 таси туркийча, 15 таси форсча ва 8 таси арабча эканлиги маълум бўлди. "Девон"да ўзлашма сўз-шакллар сони 4516 та.

"Девон" лексикасини ўрганиш Бобур асарлари тилини тадқиқ этишнинг бир қисми бўлиб, мумтоз ўзбек адабиётининг йирик вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари тили, умуман, XVI асрдаги ўзбек тили меъёри ва тил тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Р.Шамсутдинов, М.Абдуллаев (Ўзбекистон)

«Бобурнома»нинг йўқолган саҳифалари хусусида

Улуғ юртдошимиз Бобурнинг буюк меросларидан энг қимматлиси «Бобурнома»дир. У ўрта аср туркий адабиётининг наср жанрида битилган тенги йўқ қомусий асардир. Бобур бу асарни фавқулодда қалбдан, улкан маҳорат ва чидам билан, ўта ҳаққонийлик, адолатлилик руҳида ёзган. «Бобурнома» билан ўша давр тарихчилари асарларини қиёслаш орқали биз Бобур ўз ишларини мақташ, нуқсонларини яшириш, муваффақиятларини

бўрттиришга мутлақо ҳаракат қилмаганининг шоҳиди бўламиз. Бобур ҳеч қачон ҳақиқатни яширмаган.

Асарни бекиёс тарихий дурдонага айлантирган, асарга ўзгача бир жозиба берувчи жиҳатлар жуда кўп. Шу сабабли ҳам «Бобурнома» ёзилган давридан то бугунги кунгача жаҳон илмий жамоатчилиги ва китобхонлари эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда. «Бобурнома»да салкам 36 йиллик воқеалар баён қилинган. Аммо, бу даврга оид хотиралар тўлиқ эмас, деярли 18 йиллик воқеалар номаълум сабабларга кўра асардан тушиб қолган. Асарни муҳим парчалари йўқолган бўлиб, воқеалар баёни турли узилишлар билан давом этади. Масалан, 1503 йил бошидан 1504 йилнинг июнь ойигача, яъни бир ярим йиллик муддатда юз берган воқеалар тушиб қолган. Бу даврда бир қатор муҳим воқеалар бўлиб ўтганини биз бошқа тарихий манбалардан биламиз.

Ҳижрий 914 йил бошида воқеалар баёни тугалланмаган жумла билан узилиб қолган ва ҳижрий 925 йил муҳаррам ойида янгидан давом этади (1508 йил май - 1519 йил феврал). Яъни тақрибан 10 йилу 8 ойлик узилиш мавжуд.

Баъзи тадқиқотчилар «Бобурнома»даги бу "бўшлиқ" Бобур томонидан онгли равишда қилинган, яъни Бобур ўз ҳаётидаги андишали ва акс эттиришдан тортинган воқеаларни атайин ёзмай қолдирган, деган фикрни илгари сурадилар. Бундай фикр юритувчилар бунинг сабаби сифатида Бобурнинг Эрон шоҳи Исмоил Сафавийга вассал ҳукмдор сифатида ўз ота юртини эгаллаш учун Мовароуннаҳрда шиа мазҳабини тарғиб қилишга мажбур бўлган 4 йиллик фаолиятини кўрсатадилар. Бироқ, ҳеч бир тадқиқотчи бу фаразни исботлаш учун ишонарли далил айта олмаган. Қолаверса, Бобурнинг бу 4 йиллик давр воқеаларини баён қилмаслик учун қарийб 11 йиллик воқеаларни ёзмай қолдириши ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳолбуки, бу йўқолган қисмларнинг ёзилганлигини исботловчи бир қанча далиллар бор. Инглиз шарқшунослари Дениссон Росс ва Анетта Сусанна Бевериж, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг "Тарихи Рашидий" ҳамда Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома" асарларига асосланиб, бир қанча далилларни ўртага ташлаганлар. Бу далиллардан бир-иккита мисол келтирамиз:

«Бобурнома»нинг 22-саҳифасида Бобур шундай ёзади: "...

Комроннинг тағойиси Султон Али мирзоким, мен Хостдин Кобулга борур йил Кошғарга бориб эди, нечукким мазкур бўлди, келди". "Тарихи Рашидий"да эса хижрий 920 йил ёзида Фарғона ҳокими Саидхон (Бобурнинг тоғаси Султон Аҳмадхоннинг ўғли) ўзбек хонларидан бўлмиш Суюнжиқхондан енгилиб, Қашқарга чекингани ва Султон Али Тағойи ҳам у билан бирга Қашқарга келгани қайд қилинган. Бу воқеа ва уни қамраб олган хижрий 920 йил "Бобурнома"даги 11 йиллик бўшлиққа тўғри келади. Бобурнинг бу пайтда Али Тағойини тилга олганини қайд қилганига кўра, ушбу 920 йилга оид хотиралар ёзилган, деб айтиш мумкин.

Маълумки, "Бобурнома"да илк бор тилга олинган ҳар бир эътиборли киши ҳақида батафсил маълумот берилган. Агар бирор кишининг номи биринчи марта асардаги бўшликлардан кейин учраса ва у гўё аввал танитилган каби баҳс юритилса, бундан тахмин қилиш мумкинки, унинг номи дастлаб йўқолган қисмларнинг бирида қайд қилинган ҳамда унинг кимлиги ҳақида маълумот берилган. Бунинг энг ёркин далили Бобурнинг эгачиси Хонзода бегимнинг учинчи эри Муҳаммад Маҳдий Хожадир. Асарда бу зотнинг исми биринчи бор 205-саҳифада учрайди: "Илгари борғонлардин Мир Муҳаммад Маҳдий Хожа бир киши келтурди". Бу жумла хижрий 925 йил (милодий 1519-1520) воқеалари баёнида ёзилган. Эътиборли кишиларнинг насл-насаби, тутган мавқеига доир барча тафсилотларни ёзган Бобурнинг ўз поччаси Маҳдий Хожа ва унинг насл-насаби ҳақида маълумот бериши табиий холдир. 1519-1520 йил воқеалари ўша 11 йиллик бўшлиқдан кейинги дастлабки йил экани маълум. Хонзодабегим эса Бобур ҳузурига 1510 йили Шайбонийхон Исмоил Сафавий томонидан ўлдирилганидан сўнг келади ва Саййид Ходий билан никохдан ўтади. Уларнинг турмуши узоқ давом этмагач, Хонзодабегим Маҳдий Хожа билан турмуш қуради. Бинобарин, Маҳдий Хожанинг номи "Бобурнома"да биринчи бор 1508-1519 йиллар орасида тилга олинган бўлиши мумкин ва бунга асосланиб, бу йилларга оид воқеалар ёзилган, деб айтишга тўла асос бор.

"Бобурнома"нинг милодий 1520 йил январь - 1525 йил ноябрь оралигидаги, яъни беш йилу ўн ойлик давр баёни ҳам узилиб колган. Шунингдек, 1529 йил август - 1530 йил декабргача бўлган воқеалар – яъни ўн олти ойлик давр ҳам ўз тафсилотига

эга бўлмай қолган. Бобур вафотидан олдин анча вақт хасталаниб ётгани эътиборга олинса, бу қисмлар касаллик сабабли қаламга олинмаган, деб хулоса чиқариш мумкин.

Бобурнинг 36 йиллик сиёсий ҳаётининг 18 йилдан кўпроқ даврига оид хотиралар "Бобурнома"дан ўрин олган бўлиб, салкам 18 йиллик воқеалар асардан тушиб қолган. "Бобурнома" муайян бир тизим ичида ёзилгач тарихий асар эмас. Воқеаларнинг баъзан қисқа ва ихчам, баъзан эса кенг ва тафсилотли баён қилиниши Бобурнинг зиддиятли ҳаёти давомида бу иш учун жуда ҳам оз вақтга эга бўлгани билан изоҳланади. Кейинчалик бу ёзувлар такрор кўздан кечирилиб, баъзи қисмлар таҳрир қилинган. Шу жиҳатдан олганда, "Бобурнома"нинг мавжуд қисмларини шартли равишда иккига бўлиш мумкин. Биринчи қисм 1494 йил июнь-июль – 1508 йил май ойлари оралиғидаги воқеаларни ўз ичига олади. Бу даврга оид хотиралар Бобур Ҳиндистонга ўрнашиб олганидан кейин қайта ёзилган. Буни исботловчи бир қанча далиллар бор. Масалан, бу даврга оид хотиралар кейинги қисмдан фарқли ўлароқ, кунма-кун ёзилмаган ва майда тафсилотлар хусусида баҳс юритилмаган. Шунингдек, бу қисмда анча кейин бўлиб ўтган воқеалар ҳам айтиб ўтилади. Масалан, Бобур ҳижрий 899 йил воқеалари давомида отаси Умаршайх Мирзонинг вафоти тафсилотларини баён қилар экан, унинг хотинлари, қариндош-уруғлари ва фарзандлари ҳақида ҳам батафсил тўхталиб, уларнинг вафоти йилларини ҳам қайд этиб ўтади.

Ҳижрий 907 йил бошлари (1501 йил) воқеаларида Бобур Самарқандни Шайбонийхонга топширишга мажбур бўлиб, шаҳарни тарк этиш жараёнини баён қилар экан "...кечадин икки пахар бўла ёвушиб эдиким, Шаҳзода дарвозасидан чиқилди", дейди. Паҳар ҳиндистонликларга хос вақт ўлчови бўлиб, 3 соатга тенгдир. Яъни Бобур қуёш ботгандан 6 соат кейин шаҳарни тарк этдик, демоқда. Мовароуннаҳрда маълум бўлмаган ва қўлланилмаган бу вақт ўлчовини ҳали Фаргона-Самарқанд ҳудудларидан ташқарига чиқмаган Бобур қўллаши мумкин эмас эди. Хулоса шуки, бу ёзув аввал битилган хотиралар асосида кейинчалик Ҳиндистонда қайта таҳрир қилинган. Иккинчи қисм ҳижрий 925 йил муҳаррам ойидан бошланади. Бу қисмда воқеалар баёни кунма-кун саналаригача аниқ қилиб ёзиб борилган. Унда кейинроқ қайта ёзиб чиқилганини кўрсатувчи бирор

белги учрамайди. Гарчи, баъзи жойларда аввалида бериладиган изоҳотларга доир майда ипоратлар учраса-да, булар кейинчалик қўшилган бир-икки жумлаларгина, холос.

"Бобурнома"дан ўрин олмаган парчалар, афсуски, бугунгача етиб келмаган. Бу қисмлар бугунги кунда мавжуд барча "Бобурнома" нусхаларида ҳам йўқлиги эътиборга олинса, булар балки Бобурнинг ҳаётлик вақтидаёқ йўқолган, деган хулосага келиш мумкин. Бироқ, Бобур асарларини ёзар экан, қўлёзмаларини бир неча нусха кўчиртириб, ўз фарзандларига ва яқин биродарларига жўнатганини қайд қилган. Бу нусхалар балки ўша даврда бир неча бор кўпайтирилгандир. Шунингдек, Бобурга алоқадор айрим асарлар ҳануз топилганича йўқ. Буларнинг ҳаммаси йўқ бўлиб кетган, деб хулоса чиқариш, бизнингча хато бўлур эди. Ажаб эмаски, яқин келажакда дунёнинг бирон-бир кутубхонасидан "Бобурнома"нинг тўлиқ нусхаси топилиб қолса. Шунда буюк Бобур меросининг янги қирралари очилади.

Ҳ.Дадабоев (Ўзбекистон)

Бобур – бунёдкор

«Бобурнома» Бобурнинг нафақат атоқли лашкарбоши ва давлат бошлиги, ажойиб шоир ва ёзувчи, истеъдодли тилшунос ва адабиётшунос, етук тарихнавис ва географ, нозиктаъб этнограф ва табиатшунос, балки серқирра бунёдкор шахс эканлигидан ҳам далолат беради.

Табиатан яратувчанлик, ижодкорлик ҳис-туйғуларини ўзида мужассам этган Бобурнинг бунёдкорлик фаолияти Ҳиндистон фатҳидан сўнг рўйи рост намоён бўлди. Ихтиёрсиз Ҳиндистонга келган Бобур бу ёт ерда доимий ҳаёт кечириш учун мажбурлигини жуда яхши тушунган. Мовароуннаҳрдан иқлими, табиати, турмуш тарзи, урф-одати, дини ўзгача "... яхши от йўқ, яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ ва ях йўқ ва совуқ сув йўқ ва бозорларида яхши ош ва яхши нон йўқ ва ҳаммом йўқ ва мадраса йўқ ва шамъ йўқ ва машъал йўқ..." (БН, 360) юртда ҳавонинг бехад иссиқлиги, чанг-гарднинг бисёрлиги ва тунд ел-

дан азобда қолган аскарлар, саркардалар, аркони давлатнинг аксарияти Хиндистонда қолишга рози эмас эдилар. Ҳатто, Бобур томонидан Кобулда беглик мартабасига кўтарилган Ахмадий парвоначи, Вали хозин ёки Аграни олишда мардоналик кўрсатган амир Хожа Калон каби ҳарбийлар ҳам ортга қайтиш тараддудида эдилар. Кишилардаги бундай тушкун кайфиятни ўнглаш, не-не машаққатлар, жангу жадаллар, берилган қурбонлар эвазига қўлга киритилган мамлакатни ўринсиз ташлаб кетишнинг олдини олиш мақсадида Бобур Агра, Дехли каби шаҳарларда она юрт суратини бир оз бўлса-да ўзида мужассам этган иморатлар, мадрасалар, масжидлар, ҳаммомлар қуриш, боғ-роғлар барпо этиш билан машғул бўлди.

Аграни пойтахт учун танлаган Бобур у ерда қурилиш ишларини кенг қамровда олиб борди. Куз ҳавосининг ҳаддан ташқари намлиги, ёзнинг жазирама иссиғи, баҳорнинг аччиқ шамолидан сақланиш учун тошдан қурилган иморатларнинг бўлиши айни муддао эди. Бобур биринчи галда Аградa масжид ва бошқа турли иморатлар барпо этишга жазм қилади. Биргина Аградаги турли иморатлар қурилишида ҳар куни 680 сангтарош меҳнат қилган. Секрий, Биёна, Дулпур, Гувалёр ва Кўлда ҳар куни 1491 тошгарош қурилиш ишларига жалб этилган. Аграниng теварак-атрофи ўнқир-чўнқур, экин экишга нолойиқ бўлишига қарамай, уни ободонлаштиришга қарор қилинади. Тезда қудуқ-чоҳлар қазилиб, сувлар чиқарилади. Чархлар ёрдамида сув экинзорларга қуйилади. Шу ерда оқ ва қизил тошлардан ясалган ҳовузи бор ҳаммом қурилган ва у қудуқ суви билан таъминланган.

Шунга ўхшаш боғлар, ҳовузлар Агра атрофида, Жўн дарёси яқинидаги ерларда кўплаб юзага келган. Бундай бунёдкорлик ишларини илгари кўрмаган ҳинд эли Жўн дарёси яқинида қурилган ерларга Кобул деб ном қўяди. Бобур Султон Иброҳимга тегишли иморатдаги ҳоли ерда улкан, яъни даҳи дар дах (10 м х 10 м) катталикдаги қудуқ қаздиради. Ушбу қудукнинг ёнидан нисбатан саёзроқ яна икки қудуқ қазилиб, улар ўзаро бирлаштирилган. Натижада, ҳеч қандай қийинчиликсиз сув биринчи катта қудуқдан иккинчи қудуққа, иккинчи қудуқдан ундан саёзроқ учинчи қудуққа ўтган ва ташқарига, яъни боғчага чиққан. Шу йўсинда Аградa "Боғи сафо", "Ҳашт бихишт", Жалисир кентида "Зарафшон", Секрийда "Боғи фатҳ" боглари барпо этилган.

Бобур Хиндистонда бўлишига қарамай, Кобулда қурилиши тугалланмаган кўргон, жоме масжид, карвонсарой, ҳаммомни хазина маблағи хисобидан битказиш, аркни пишиқ гиштдан кўтариш. "Боғи хиёбон"нинг суви оз бўлганлиги сабабли бир тегирмон сув келтириш, "Назаргоҳ" боғига яхши ниҳоллар экиш, тарх билан чаманзорлар қилиб, атрофига хушранг ва хушбўй гул хамда райҳонлар экишни буюради.

Бобур почта алоқасини йўлга қўйиш мақсадида Аградан Кобулгача бўлган масофада, хар тўққиз курух (36 минг қадам) да соқчи миноралари, хар ўн саккиз курух (72 минг қадам) да ёмхоналар барпо этган.

Бобур Хиндистонда дарёларнинг кўплиги, уларнинг кенглиги ва чуқурлигини хисобга олиб, 420 га яқин кема қурдирган. Кемалар хажми ва вазифасига кўра фарқланган. Масалан, Рана Сангаа билан бўлган тўқнашувдан олдин қурилган "Осойиш" катта хажмдаги кема хисобланган, аксинча, турли хизматларни бажарувчи "Фармойиш" эса кичик хажмдаги кемалар сирасига кирган.

Хиндистонда яхши қовун, узум ва мева йўқлиги боис, улар асосан Кобулдан келтирилган. Бобур ушбу холатни хисобга олиб, Агра атрофида дехкончилик, хусусан, полизчиликка мўлжалланган ерларга қовун эктиради. "Ҳашт биҳишт" боғидаги токлардан узум хосили олинади. Хиндистонда қовун ва узумнинг стилиши аксарият мовароуннахрликларнинг хурсандчилигига боис бўлади.

З.Ҳамидов (Ўзбекистон)

Бобур қадами етган жой номлари

Ўзбек тилшунослигида жой номларини ўрганишга доир илмий мулоҳазалар махсус тадқиқот сифатида эълон қилина бошланди. Туркий тилларда топонимия масаласи дастлаб Маҳмуд Кошғарий томонидан илмий таҳлил этилган бўлса, кейинчалик махсус икки, кўп тилли, шунингдек изоҳли луғатларда, стук тарихнавис ва мутафаккирлар асарларида хам илмий маълумотлар бериб келинди.

Тарихга адолат кўзи билан қараш, забардаст сиймолар фао-

лиятини ўрганиш, албатта, асосли манбаларга мурожаат қилиш натижасида юзага келади. Бу мушкилотларни енгиш учун ўзўзидан давр тилига, ёзувига мурожаат қилинади. Шунинг учун Бобур тарихини, унинг "Бобурнома" асарини ўрганишда, аввало, шоҳ ва шоирнинг тилга бўлган муносабати, она тили ва ўзга тиллар ҳақидаги фикрлари ерли халқнинг маданияти-ю, маънавиятини ўрганишга ундовчи омиллардандир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур қайси юрт, қайси мамлакат ҳақида маълумот бермасин, албатта, юрт ва шу халқнинг улуғ сиймолари, уларнинг тиллари ҳақида ўз муносабатини билдирган.

Тилшуносликда долзарб, ўрганилмаган мавзу сифатида Бобурнинг туғилган шаҳридан тортиб, ҳар бир босиб ўтган шаҳар ва қишлоқ тилга олинади. "Бобурнома"ни ўқиш жараёнида фақат шаҳар ва қишлоқ атамалари эмас, балки ундаги маърифий, илмий муассасалар, шунингдек, дарёлар, кўллар, тоғлар, уларнинг атамалари ҳақида ҳам қизиқарли маълумот олиш мумкин. Мутафаккир Бобур ҳаётга, табиатга ўта синчковлик билан назар ташлайди. У "Бобурнома"да ўзининг Ҳиротга қилган бир сафар таассуротини шундай тасвирлайди: «Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, "Унсия" дерлар, масжиди жомеъниким, "Қудсия" дерлар. Мадраса ва хонақоҳниким, "Ҳалосия" ва "Ихлосия" дерлар. Ҳаммом ва доришшифосиниким, "Сафоия" ва "Ихлосия" дерлар, борини андак фурсатга сайр қилдим», деб Навоий ҳовли боғи ва у бунёд этган жойларни тасвирлаган.

Шоҳ ва шоир ўзининг бадиий, илмий мумтоз асарларини содда, жонли халқ тилида битган. Айниқса, тоғ, саҳро жониворлари, ёввойи ва уй ҳайвонлари, парранда-қушлар атамаларининг қадимий туркий номлари қайд этилади:

«Қоқшол (114), Йиланчиқ (114), Аймоқ (114), Оқсарой (114), Ишқончи (114), Алосой булуки (127), Илоқ (113), Уштур (113), Тул (119), Қуруқсой (121), Коротуд (коробуқ), Анор (121), Қоронғриқ (121), Қорабоғ ва Эгриёр (111), Айбоқ (121), Арчакент (72), Бектут (157), Дизак (13), Ёнбулоқ (251), Косон (Фарғона вил.) (5), Лаклакон (Тошкент вил.) (94), Кештут (81), Ёряйлоқ (Самарқанд вил.) (19)».

Хуллас, "Бобурнома"да келтирилган Бобур қадамжолари атамаси, жой тарихини, улуғ шахслар ва улар томонидан бунёд этилган табаррук азизу авлиёлар мақбаралари номларини

ўрганиш, ўзбек халқи маънавияти тарихини ўрганиш демакдир. Бу эса миллий мафкура тушунчаларини идрок этишнинг асосий манбаидир.

З.Холманова (Ўзбекистон)

"Бобурнома"- туркий лексемаларнинг семантик имкониятлари мужассамланган қомус

XV-XVI асрлар ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётига оид буюк қомус хисобланган "Бобурнома"да эски ўзбек адабий тилининг лексик хусусиятлари, семантик имкониятлари, муаллифнинг тилшуносликка оид қарашлари ўз ифодасини топган.

Бобур авлодлари ҳукмронлик қилган даврларда Ҳиндистонда туркий тилда сўзлашув муҳитининг яратилганлиги, туркийзабон адабиётнинг шаклланганлиги, туркий тилнинг шу сарзаминда оддий муомала воситасидан адабий тил мақомига кўтарилишига олиб келди. Бобур туркий тил тараққиётига масъулият билан ёндашган. Туркий сўзларни семантик нозикликларини англаган ҳолда ишлатган. Бу асар тилининг бетакрорлиги, ўзига хослигини таъминлаган. Масалан, **ингичка** ҳозирда *йўғон* сўзининг антоними сифатида нарса-буюмни сифатлаб келади. *Ингичка* лексемасининг семантик мундарижасида 1) *нозик (лик)*; 2) *ожиз (лик)*; 3) *ночор (лик)*; 4) *эҳтиёткор (лик)* семалари мавжуд. Ўзлашма қатламга оид **эҳтиёткорлик** лексемаси ифодалаган тушунчани Бобур туркий ***инчкалик*** сўзига юклаган: *Кеча инчкалик била кириб...*(173). «Эҳтиёткорлик» семаси бошқа семаларнинг ҳосиласи сифатида юзага келган. **Инчкалик** "эҳтиёткорлик"нинг юқори даражасини ифодалаган. Қадимги туркий тилда *JINCKA*: 1) "энсиз", "тор"; 2) "нозик", "зўрға илғанадиган"; 3) "донишмандона"; 4) "нафис", "майда"; 5) "аниқ", "очиқ-ойдин" тушунчаларини англатган (ДТС, 261). *Йинчка* сўзидан шаклланган jінчкәләнді-"нозик муомала қилди, эгилиб букилди" маъноларини ифодалаган. Шу асосдан шаклланган *jінчка қіз* синтактик бирлиги «тутқун қиз» тушунчасини билдирган (ДЛТинд, 134). **Тутқун қиз** бирикмасида *jінчка*нинг "эҳтиётлаш", сақлаш" семалари намоён бўлган. Бобур ***инчкалик***ни "эҳтиёткорлик" маносида қўллаш билан тушунчани юқори

даражада, таъсирчан ифодалашга эришган.

Юпқаликнинг асоси "ён кўлами ингичка" маъносидаги **юпқа** сўзидир. **Юпқалик** лексемасининг семантик мундарижасида 1) *ожизлик;* 2) *ночорлик;* 3) *нотавонлик* семалари мавжуд. "Бобурнома"да «ожизлик» семаси устун: *Мундоқ юпқалик ва ноҳамжинсатликлар андин содир бўлди* (146). Яъни *юпқалик* деганда ожизлик ҳолатига олиб келган камчиликлар, нуқсонлар назарда тутилган.

Қора ва шу асосдан шаклланган лексемалар «Бобурнома»да қуйидаги маъноларда келган: *1)* ранг, белгини билдирган: *...хосса қора маҳмадлик боилиқ, қалмоқи жиба бериб,...* (298); 2) ҳайвон ёки ҳайвонлар тўдасини акс эттирган: *...черик эли раҳт ва гала қора ўлжа келтурдилар* (210); 3) «аниқ кўринишга эга бўлмаган гавда шакли» маъносини ифодалаган: *Танбалнинг қораси Навканд соридин пайдо бўлди* (129); 4) жуфт сўз таркибида келиб, «яқин шахс» тушунчасини билдирган: *ўзи бир неча киши-қораси била жарида қўргонда турди* (146); *5)* бировнинг «қорасини кузатиш» *қорала-* феъли билан ифодаланган: *Бобо Сайрамий том устидин ул сари, бул сари қоралайдур эди* (174); 6) антропоним сифатида келган: *Сўзангарон дарвозаси Қора барлоснинг булжори эди* (147); 7) «калтакламоқ» тушунчасини ифодалаган ибора таркибида келган: *Ахсининг бир пора лаванд ва авбошни барин қилиб, қоратаёқ қилиб...*(120); 8) "қўлга тушмоқ", "асир бўлмоқ", "ўлмоқ" маъносидаги ***қаро олдур-*** ибораси таркибида келган: *вале ҳеч киши қора олдурмай, солим ва саломат чиқтилар* (235). Бу ўринда ***қора*** гавда, вужуд, аниқлик тушунчасини ифодалаган; 9) *қора* лексемаси *сув* билан биргаликда «оқмас» тушунчасидаги ***қора сув*** қўшма луғавий бирлигини ҳосил қилган: *...қора сувга йиқилиб зойиъ бўлди* (73). Бобур Ҳиндистонда оқар сувлар йўқлигини таъкидлаб, ***оқар сув***га антоним равишда ***қора сув*** терминини қўллаган. Қора сув географик термин сифатида оқмайдиган кўл ва ҳавзаларга нисбатан ишлатилган.

Мағз (мағиз) XIV асрларда қўлланган "юз, киёфа", "кўриниш" маъносидаги ***мәңиз*** сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир. ***Мағз***нинг "қора" маъносидаги ***тийра*** лексемаси билан бирикувидан шаклланган **тийра мағз** «қорачадан келган (юз)» тушунчасидаги луғавий бирлик бўлиб, қуйидаги жумлада «аҳмоқ», «жоҳил», «нодон» маъноларини ифодалаган. Шахснинг фаолияти-

ни коралаш учун қўлланган: *Ҳусайн мирзо аввал Кундуз ва Ҳисор устига келганда тийра магзидин туттурдилар* (235); Бобур шахс суратини ва сийратини ёритишда форсча-тожикча ***тийра*** лексемасини қўллайди. Жумладан, Дарвеш Алибек ҳақида гапирар экан, юзи коралиги (корачадан келганлиги) ни «бехунарлиги»га монанд тарзда тасвирлаган. Шахснинг ташқи кўриниши феъл-атворига мослигини акс эттирган: *Тийра магз ва бехунарроқ киши эди* (235). **Тийра** "қора, коронги" маъносидаги сўз (НАЛ, 608). Кўчма маънода шахснинг феъл-атворини ёритишга хизмат қилган: *Агарчи намоз қилур эди ва таъомда парҳез қилур эди, вале тийра ва фосиқ эди* (84); **Тийра** бахт сўзи билан бирликда қўлланиб, «қисмати қора», «бахтсиз» тушунчасини ифодалаган: *...Аграга еттук, дохил бўлган куни ул тийра бахтни боглаб чирмаб келтурдилар* (456). *Тийра*нинг «коронгу, қора, ғам-ғуссали» маъноси ҳам бор бўлиб (НАЛ,608), бу семалар Бобурнинг шахс сурати ва сийратини уйғунликда акс эттириш учун ***қора*** лексемасини эмас ***тийра*** лексемасини қўллашига асос бўлган.

"Бобурнома"да туркий лексемалар, шу билан бир қаторда арабча, форсча-тожикча лексемалар турли семантик қирраларда намоён бўлган. Шу боис, асар тили бетакрор мазмуний ифода ва бадиий жозиба касб этган. Бу ўзига хослик, даставвал, туркий тилнинг семантик имконияти кенглиги билан белгиланса, шу билан бирга ижодкорнинг бадиий маҳорати натижасидир.

Г.Тўйчиева (Ўзбекистон)

Бобур аруз илми назариётчиси

Ўрта Осиёда шеър тўғрисидаги илм икки йўналишда ривожланган: шеър моҳиятини илмий англаш ҳамда шеърни шеър техникаси нуқтаи назаридан тадқиқ этиш. Биринчи йўналишда бош мақсад "Шеър нима?", деган саволга жавоб топишдан иборат бўлган бўлса, иккинчи йўналишда "Шеър нималардан иборат?", деган саволга жавоб изланган. Ўрта асрларда поэтика, стилистика, шеършунослик, хусусан арузшунослик йўналишида ўнлаб олимлар етишиб чиққан. Аммо туркий шеър ва унинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишда Шайх Аҳмад ибн Худойдод (Та-

розий) нинг "Фунун ул-балоға" ("Бадиийлик илмлари"), Алишер Навоийнинг "Мезон ул-авзон" хамда Захириддин Мухаммад Бобурнинг "Аруз рисоласи" алохида ўрин эгаллайди.

Захириддин Мухаммад Бобурнинг "Аруз рисоласи" ("Мухтасар") туркий шеърни хар томонлама чукур тахлил этганлиги, унинг тарихий ривожланиш омилларини тўгри шархлаганлиги, ўзидан аввалги тадкикотчилар карашларига киёсий назар билан караганлиги, мазкур карашларни умумлаштириш ва мукояса килиш оркали ўз даври учун асосланган ва тугалланган аруз назариясини яратганлиги билан жуда катта ахамият касб этади.

Бобурнинг аруз назарияси ривожига кўшган хиссаси куйидаги омиллар билан белгиланади:

1. Бобур ўзидан аввалги арузшуносларнинг араб, форс ва туркий аруз борасидаги илмий-назарий карашларини ижодий ўзлаштирди ва умумлаштирди. Бобур аруз назарияси асосида миллий арузшуносликнинг шаклланишига алохида хизмат килди. Бу билан арузшуносликдаги миллий анъананинг давомийлиги ва истикбол такомилини таъминлаб берди.

2. Умуман аруз, хусусан, туркий аруз вазнлари хусусиятларини чукур ўрганиш асосида тақтиъ, жузв, кофия, бахр, вазн, доира, рубоий вазнлари, халк вазнлари каби масалаларда унинг ўзигагина хос бўлган мустакил фикрларни билдирди, арузшунослик ва арузнинг ўзидаги ички ривожланиш тенденциялари ва динамикасини кўрабилди ва тахлил килди.

- Аруз системасида вазнлар жуда кўп ва улар рангбарангдир. Тарозий тармок вазнлар сонини 366 та деб кўрсатади. Навоий туркий арузда 100 дан ортик вазн борлигини таъкидлаб ўтади. Захириддин Мухаммад Бобурнинг кайд этишича, аруздаги вазнлар сони 537 тага етади. Яъни Бобур аруз вазнларининг умумий статистикасига асос солади, хусусан туркий аруз вазнларининг кўлланилиш картасини мукаммаллаштиради ва тўлдириб, тўлик холга келтиради.

- Агар Навоий 5 та асл рукнни таърифлаган бўлса, Бобур 10 та асл рукнни айтиб ўтади ва уларнинг 8 тасига изох беради.

- Навоий мустафъилун асл рукнининг 9 та зихофи ва 14 та фуруъи борлигини айтган бўлса, Бобур бу асл рукнда 11 та зихоф ва 18 та фуруъ борлигини кўрсатган.

- Тарозий бахрлар сонини 40 тага етказади. Навоий 19 та

бахрни. Бобур эса 21 та бахрни қайд этган. Навоий 60 та, Бобур эса 96 та тармоқ рукн тўғрисида гапирган.

- Доиралар Навоий асарида 7 та бўлса, Бобур асарида 9 тадир.

- Агар араб олимлари асосан беш доирадаги 16 вазн турларини, форс олимлари эса олти доирадаги 19 вазн турларини таъкидлашган бўлса, Навоий етти доирадаги 19 вазн турларини белгилаб ўтади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса 9 доирага жамланган 21 вазн турини белгилайди.

3. Арузни илмий ўрганиш жараёнида халқ оғзаки адабиёти вазнларига шарҳ бериш ва уларни илмий тадқиқот объекти деб билиш ишига Алишер Навоий асос солган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоий асос солган арузни халқ оғзаки ижоди намуналари билан қиёсий ўрганиш, фольклор шеър тузилишини тадқиқ этиш йўналишини қабул қилди ва ижодий ривожлантирди. Бобур миллий шеършуносликда қиёсий шеършунослик йўналишини ижодий ривожлантирган биринчи олим хисобланади. Бобур халқ вазнлари борасидаги фикрлари ичида ўзидан аввалги олимлар қайд этмаган маълумотларни ҳам келтиради (туюғ тўла шарҳланган, тархоний, ўланг ва б.).

4. Бобур аруз назариясининг миллийлаштирилишига жуда катта хисса қўшган. Дунё илмий жамоаси томонидан ўзбек арузи (туркий аруз) тушунчасининг қабул қилинишида Бобурнинг хизматлари катта. Бобурнинг тил материали ҳамда унинг ритмик хусусиятларини чуқур билганлиги тўлиқ ҳамда асосли шарҳланган ва изоҳланган аруз назариясининг яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилган. Бобурнинг аруз назарияси арузшуносликнинг умумий ривожланишида муҳим бир босқич сифатида эътироф этилади.

БОБУР ВА БОБУРИЙЛАРНИНГ ИСЛОМ МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

А.Жузжоний (Афғонистон)

Бобурийлар сулоласи ва фиқҳ илми

Бобур Мирзо фиқҳ илми (ислом ҳуқуқшунослиги) бўйича кенг маълумотга эга бўлиб, бу соҳада таълиф ва тасниф этишда салоҳиятли эди. У ёзган "Мубаййин" номли манзумани кўздан кечирадиган бўлсак, бу ҳақиқатни яққол кўрамиз.

Асарни ўқиган киши муаллифнинг кўп қиррали маълумотига қойил қолади. У Қуръон оятлари ва фиқҳий масалаларга доир ҳадисларни яхши ва чуқур тушунади.

Муаллиф ислом динининг асоси бўлмиш эътиқод масалаларини ёритиш билан бошлайди. Ҳанафия мазҳабига асосланган Мотуридия калом мактаби асосида "муъман биҳ"лар (уларга иймон келтириш зарур бўлган олтита масала) ни изоҳлаб ўтиб, иймонни ҳанафия ақида қоидаларига мувофиқ таърифлайди.

Фиқҳ илми бўйича Бобур изидан бориб, бу фанга қизиққан авлодларидан бири Шоҳжаҳоннинг ўғли Аврангзеб Оламгир эди.

Аврангзебнинг махсус ҳидоят ва буйруғига биноан араб тилида "Фатавойи Оламгирия" номли буюк ҳуқуқий мажмуа ёзилди. "Ал-фатово ал-ҳиндия" номи остида катта шуҳрат қозонган ушбу ҳуқуқий кодекс бобурийлар даврининг машҳур 24 та фақиҳларидан ташкил топган бир илмий ҳайъат иштирокида Шайх Низомиддин Бурҳонпурий раҳбарлигида ёзилиб, унда фиқҳий ҳукмлар классик услубида тартибга солинган. Мазкур асар 58 китобдан иборат бўлиб, ҳар китоб турли боб ва фаслларга бўлинган. Боблар сони 700 га етади. Ҳар бобда бир муайян соҳага тегишли бўлган ҳуқуқий муаммолар ечими кўрсатилган.

Асарнинг ўзига хос бир хусусияти шундан иборатки, Ҳиндистон мусулмон жамоасининг ҳаётий зарурат ва талабларидан келиб чиққан ҳолда турли соҳаларда амалий ҳаётга катта эътибор қаратилган.

Ҳ.Болтабоев (Ўзбекистон)

Захириддин Муҳаммад Бобур ва тасаввуф адабиёти

Бобур мутасаввиф эмас эди. Унинг томирида оқаётган темурий қон шавкати нураб бораётган амирзодалар салтанатини тиклашга ундади. Буюк соҳибқирон олдида темурий авлодлар шонини тиклаш юмуши унинг зиммасига тушди. Бўлғуси жаҳонгир Амир Темурнинг тўнғич валинеъмати Мироншоҳ мирзонинг хонадонида тарбияланган эди. Зеро, унинг қулоғига барча темурий султонларнинг пири валийси ҳисобланган Шайх Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари азони баробарида сўфийликнинг буюк ибтидоси сингган эди.

Бобур мутасаввиф эмас эди. Унинг шуурида тажалли бераётган туркий сўзининг сўнмас қудрати аксланган эди. У Нуҳ а.с. нинг набираси Абуттурк ибни Ёфаснинг башоратига амал қилиб, туркий сўзининг хорижда барқарор бўлишига эришди. Ҳазрат Навоий яратган туркий шеърият боғини бўстон қилди, улуғ пири адабнинг "Ва Ёфас ўғлонники, Абут-туркдур, тарих аҳли иттифоқи била дебдурларки, нубувват тожи била сарафроз ва рисола мансаби била қардошларидин мумтоз бўлди" васиятига амал қилиб, туркий сўзини нафақат Туркистон, балки Ҳинду Форсда ҳам жорий қилди. Ўзининг барча асарларини Ҳазрат Навоий нашъу намо топган туркчанинг Андижон шевасида битди. Мана шу тилда яратилган жаҳоний "Бобурнома" асарида юзга яқин сўфийлар ҳақида сўз юритди. Жумладан, Абдуллоҳ валий, Баёншайх, Бобошайх, Вайсшайх, Имом Абу Ҳанифа, Исҳоқ ота, Шайх Ҳусайн, Маҳдий Хожа, Мусо Хожа, Муҳаммад Хожагий, Низомиддин Али Ханифа, Пир Вайс, Саййид Бадр ота, Саййид Барака, Узун Ҳасан ота, Хожа Абдуллоҳ Марварид, Хожа Калон, Хожа Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий, Шайх Абдулвоҳид Фориғий, Шайх Абу Мансур Мотирудий, Шайх Боязид Фармулий, Шайх Жамолий, Шоҳ Сўфий, Ҳазрати Мавлоно Яъқубшайх, Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Ҳасан Халифа каби мутасаввифлар ҳақида маълумотлар берди, уларнинг темурийлар давлатига ва темурийзодаларга муносабатини аниқлади. Ҳатто, бошқа темурийзодалар ҳақида ёзганда ҳам уларнинг тасаввуфга алоқадорлигини кўрсатиб ўтади: "Султон Аҳмадмирзо... ҳанафий

мазҳаблиқ, покиза эътиқод киши эди, беш вақт намозни бетарк ўтар эди. Шурб маҳалларида ҳам намози тарк бўлмас эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳга иродати бор эди. Ҳазрати Хожа мураббий ва мукаввий эдилар".

Бобур мутасаввиф эмас эди. Бироқ, у Аллоҳ Ҳақ субҳону ва таолонинг бир суюкли бандаси сифатида Қуръони карим измига амал қилди, ўзининг ҳар қадамида буюк мураббий Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг йўл ва шамойилларини ўзига дастурил-амал билди. Исломнинг беш аркони (устуни) шариҳи сифатида "Мубаййин" номли китоб мураттаб этиб, ўз авлодларига, нафақат бобурий, балки барча туркий валадларнинг зиммасида турган беш аркони мубини ислом учун адабий манба берди. Асарнинг бошланғичи "Эътиқодиййа"да Ҳақ субҳонаҳунинг субутий сифатлари *барҳаётлик, илм, иродат, қудрат, самъ ва басар (кўриш ва эшитиш), камол ва тақдири азал* кабиларга ишорат қилинади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг шамойиллари ва каромат-лари, саҳобаларнинг ғайратлари, *охират куни, номаъи аъмол, мезон, аросат, мавоқиъ, шафоат, сирот* ҳамда бош мавзу *иймон*нинг шароити ва натижаси ҳақида англатма берди.

Бобур ўз салтанатидан улуғ ислом шайхларига ўрин берди, Шайх Аҳмад Хожагий Косоний Даҳбидий Маҳдуми Аъзам (ваф. 1542) ҳазратларининг муриди сифатида унга қўл бериб, нақшбандийлик тариқини мулуки Кобул, Балужистон ва Ҳиндистонда жорий қилди. Олимларимиз томонидан фаолияти ўрганилмаган Ғозий Бобуршоҳ пирининг 80 дан ортиқ тасаввуф тарихи ва тариқат одобига бағишланган қўлёзма ва босма асарлари юртимиз китоб жамғармаларида сақланади.

Бобур мутасаввиф эмас эди. Улуғ шоҳ ва шоирнинг ҳур эътиқоди валинеъматлари қонида жунбуш урди, унинг сўфий жазбага мойил шуури тасаввуф-адабиётининг Комрон Мирзо, Аврангзеб, Гулбадан бегим, Зебуннисо бегим каби валий ва валиаларига оқ фотиҳа бериб, тасаввуфий адабиёт гулшанининг боғбонларига айланишига имкон яратди. Хусусан, Аврангзебнинг шаръий қонунлар баёнига бағишланган "Фатвои Оламгирий" асари фиқҳ илмида мўътабар манбалардан саналади.

Унинг солиҳа фарзанди "Ман аз даҳани мор шакар митала-бам" ("Мен илон оғзидан ҳам шакар талаб қиламан") дея некбинлик билан дунёга қараган фозила шоира Зебуннисо бегимнинг

сўфий адабиёт намояндаларидан экани хорижий тадқиқотчиларнинг ўнлаб асарларида зикр қилинган.

Бобур мутасаввиф эмас эди. Унинг қонида жунбушга келган темурийлар шавкати бунга йўл бермади. Бобур мутасаввиф эмас эди. Унинг шуурида кезаётган туркий адабиётнинг иззати бунга имкон бермади. Бобур мутасаввиф эмас эди. Бироқ, Бобур салтанатидан беш юз йил кейинги дунёга ваҳоҳат солган юртнинг адиблари уни "ТОЖ КИЙГАН ДАРВИШ" деб атадилар.

Ўша "тож кийган дарвиш"нинг тариқат одоби, салтанат тузукига кирмаган хуррухли дил эътиқоди, қиличга бўйсунмаган калам бисотидан тўкилган тасаввуфий тимсоллар унинг асарларида кўриниш беради.

М.Ҳасаний (Ўзбекистон)

Таърих-хронограммаларда бобурийлар сиймоси

Тарихий асарларда воқеалар насрий йўл билан ифодаланса, таърих-хронограммаларда воқеа-ҳодисалар кўпинча назмда абжад хисоби оркали баён қилинади. Демак, таърих-хронограммалар воқеалар ойнасидир. Ўтмишда таърих-хронограммаларни ўзида мужассамлаштирган йирик асарлар ёзилган. Абдуллоҳ Кобулийнинг "Тазкират ут-таворих" китоби, Муҳаммад Иброҳимнинг "Истихрожи таърих дар назм" каби асарлари шулар жумласидандир.

Тарих ва адабиётга оид манбаларда темурийларга бағишланган кўплаб таърих-хронограммалар мавжуд. Бу таърихлар ҳозиргача олимлар томонидан ўрганилмаган. Бу таърихлар ичида бобурийларга аталган таърих-хронограммалар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Таърихларда бобурийларнинг тугилган ва вафот этган йиллари, олиб борган урушлари, курилиш ишлари, ўша даврда ёзилган китоблар, қисқа қилиб айтганда, бобурийлар ҳаёти ҳақидаги барча маълумотлар акс этган. Мўъжазгина назмдаги бу таърихларни ёдлаб қолиш ҳам осон бўлган. Қисқагина бу таърихларда катта маънолар мужассамлашган бўлиб, тарихимизнинг очилмаган қирраларини ёритишда кат-

та аҳамиятга эга.

Умуман олганда, темурийларга бағишланган таърих-хронограммаларни йиғиш ва уларни тадқиқ этиб, ўзбек тилига таржима қилиш тарихимизни ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу сатрлар муаллифи томонидан "Таърихларда темурийлар сиймоси" номли китоб нашрга тайёрланган.

И.Бекжонов (Ўзбекистон)

Нисорий ва Мутрибий тазкираларида Бобур ҳамда бобурийлар

Нисорий тазкирасининг хону султонларга бағишланган махсус "Мақола" қисмини иккига ажратиб, шайбонийлар ва бобурийлар ўртасидаги сиёсий ихтилофларга қарамасдан, унинг иккинчи қисмини, асосан, Бобур ва бобурийларга бағишлайди. Ҳумоюн тўғрисида ҳам китобнинг турли жойларида бирор муносабат билан сўз юритиб, унинг шеърларидан намуналар келтириб боради. Бобур билан шоир Жоний ўртасида кечган ва Бобурнинг ота юрти Андижон ва андижонликларни ҳаддан зиёд яхши кўришини кўрсатувчи воқеа-лавҳа, муаллиф отаси Подшоҳхожанинг Бобурга соғинч ёзиб юборган "Кечадур" радифли ғазали тарихи, ўзининг Ҳумоюн хузурига бориш учун тайёргарлик кўргани, аммо, бу орзунинг амалга ошмай қолгани, кўплар эса Бобур замонидаёқ Ҳиндга кетиб, Бобур ва Ҳумоюн хизматида фахр қилаётганликлари сингари ўнлаб нодир маълумотлар ана шулар жумласидандир.

Мутрибий Самарқандий ҳам ҳар иккала тазкирасида Бобур подшоҳ ва мовароуннахрлик зиёлилар ўртасидаги илиқ муносабат, ижодий алоқаларга доир қимматли фикрлар билдирган. "Тазкират уш-шуаро"нинг подшоҳларга бағишланган бобида Муҳаммад Ҳаким бин Ҳумоюн, Шайху мирзо бин Акбар ҳақида махсус тўхталаркан, у ҳам тазкирасининг бошидан-охиригача Бобур, Ҳумоюн, Акбар подшоҳлар ҳақида сўз юритиб, нодир маълумотлар ҳавола қилади.

Мутрибийнинг иккинчи тазкираси Жаҳонгир бин Акбарга

бағишланган. Шунинг учун ҳам асарнинг ҳозирги кунимизгача бағишланган боби биринчи қисмида бобурийлар ҳақидаги маълумотлар жой олган.

Хуллас, Ҳасанхожа Нисорий ва Мутрибий Самарқандий тазкиралари Бобур ва бобурийлар шон-шавкатининг Ўрта Осиёда XVI - XVII аср биринчи ярмида ҳам устувор тургани хусусида мойор маълумотлар берувчи қимматли ёзма манбалардан бўлиб, уларни ўрганиш, ўзбек тилида нашр этиш олдимиздаги шарафли вазифалардан ҳисобланади.

А.Исмоилов, А.Тошқин (Ўзбекистон)

Афғонистонда бобурийлар хилхонасидаги қабртошларнинг битиклари тарихидан

Захириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари ҳақида уларнинг ҳаётлигида ва улардан кейин ҳам жуда кўплаб китоблар турли мамлакатларда, турли тилларда ёзилган. Буларнинг ичида Афғонистонда икки марта нашр этилган Ҳалилуллоҳ Халилийнинг "Оромгоҳ-е Бобур" китоби Кобулдаги Бобур боғидаги Бобур ва бобурийлар хилхонасидаги қабртош битикларига бағишланган. Бобур ёшлигидан қоятошларга турли ёзувлар ёзишга иштиёқманд бўлган. Афғонистонда Боденах дарасида (Кобул ва Лағмон орасида) Ишкамиш дарёси ёнидаги Банд-е Касо тўғони олдида ва Қандаҳордаги қоятошларда шундай ёзувлар ҳозиргача сақланиб колган. Бу тошларга Бобуршоҳ ва унинг зурриётлари Мирзо Ҳумоюн, Мирзо Комрон, Мирзо Аскарий, Мирзо Хиндолларнинг исмлари ўйиб ёзилган. 1542 йилда Акбаршоҳнинг туғилиши муносабати билан унинг исми ҳам Мирзо Ҳумоюннинг буйруғи билан қўшиб ёзиб қўйилган, лекин бу ёзувлар шўро аскарлари томонидан ўққа тутилиб, анча зарар топган. 1508 йилда Бобур Шердарвоза тоғининг шимолий қисмида катта тошга унинг номини қуйидагича ёзишга буюрган: "Тахтгоҳ-е олампанох Захириддин Муҳаммад Бобур ибни Умаршайх Кўрагон". Шу ерда Бобур ясатган тахт ёнига Нуриддин Жаҳонгир бошқа тахт ясаттириб, яна бир ҳовузни таъмирлади ва

унга ўзини "Подшох-е билод-е хафт иклим" деб ёздириб қўйди. Бу тош бирмунча аввал пастга думалаб тушди. Бундай ёзувлар Тожикистоннинг Ўра тепа шаҳридан юқоридаги дараларда ҳам учраб туради. Бобур 1530 йилда Аградa Зарафшон (Рамбоғ) боғида вафот этгач, уни шу ерга дафн этишган, кейинчалик уни Кобулдаги онаси кўмилган боққа қайта кўмишган. Бу боққа кейинчалик Мирзо Ҳиндол, Рукия бегим, Мирзо Ҳакимхон дафн қилинган, бундан ташқари яна учта қабр бор. Лекин уларнинг қабрлари устига тош қўйилмаган. Шунинг учун бу қабрларда кимлар ётгани номаълум. Ҳ.Ҳалимийнинг ёзишича, бу қабрлардан бири Оламгир Сонийнинг қизи Навоб Гавҳар Нисо бегим бинт-е Фирдавс оромгоҳ-е Оламгир-е сонийга тегишлидир. Боғдаги бу қабристон ичида тўртта қабртош бор. Булардан бири Бобур қабртоши бўлиб, бу тошнинг икки тарафида ёзувлар бор. Ички қисмида шундай ёзилган: "...Бобур подшоҳнинг абадий жойи фирдавсдадир". Тошнинг ташқи қисмига "Қабртош Жаҳонгиршоҳ томонидан қўйилган" деб ёзиб қўйилган.

Мирзо Ҳиндол қабртоши

Мирзо Ҳиндол 924 ҳ.қ. йилда Кобулда таваллуд топган. 958 йилда Комрон Мирзо афғонлар билан уюштирган фитнанинг қурбони бўлган. Уни Шоҳийа арғинининг чеккасига вақтинча кўмиб, сўнг Кобулда отасининг оёқ томонига қайта дафн этишган. Мирзо Ҳиндол шеър ёзишни машқ қилиб юрган. Жаҳонгир Мирзо фармони билан унинг қабртоши устига жуда чиройли ҳусниҳат билан "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ" деб ёзиб қўйилган.

Мирзо Ҳакимхон қабртоши

Мирзо Ҳакимхон Ҳумоюн подшоҳнинг ўғли, Акбаршоҳнинг укаси бўлган. У ҳижрий 961 йилда Кобулда туғилган ва 993 йилда 32 ёшида дунёдан ўтган. Ҳаким Мирзо ҳам шеър ижод қилган. Унинг қабртоши устига Жаҳонгиршоҳ 1016 йилда шу тошни қўйганлиги қайд этилган.

Рукия бегим кабри

Рукия бегим хижрий 1035 йилда 84 ёшида Акбарободда вафот этган. У вактинча шу ерда дафн этилиб, сўнг Кобулга – ота-боболарининг мозорлари ёнига қайта дафн этилган. Унинг кабртоши устига Қуръондан "Оятул-курси" кўчириб ёзилган. Пастки қисмига "Захириддин Мухаммад Бобур подшохнинг ўғли Хазрати Мирзо Хиндолнинг қизи Рукия султон бегим қабри" деб ёзилган.

Т.Сайдалиев (Ўзбекистон)

Бобур лирикаси рус шоирлари таржимасида

Бобур лирик меросининг рус тилидаги таржималарини шартли равишда уч даврга: Иккинчи жаҳон уруши йиллари, 50-йиллар ва 80-йилларда амалга оширилган таржималарга бўлиш мумкин. Бобур шеърлари таржимонлари ўз олдиларида турган кўплаб мураккаб ва мухим муаммоларни асосан ижобий хал килганлар. Улар ўз таржималарида тарихий шарт-шароит тўгрисида тўла тасаввур бериш билан бирга, хозирги замон талаб ва эхтиёжларини хам ўзида мужассамлаштиришга эришганлар хамда маълум даражада, ўзига хос таржималар орқали ўзбек миллати маънавияти ва маданияти солномасини рус китобхонларига аслиятдагидай етказиб бера олганлар. Шунингдек, таржимонлар шоир фалсафий-эстетик карашлари, бадиий махорати сингари муаммоларга алохида эътибор қаратганлиги таржималарнинг сифати ва муваффакиятини белгиловчи асосий омиллардан бўлиб хизмат килган.

Тадкикотлар жараёни шуни кўрсатадики, таржималарнинг аксарияти (С.Н.Ивановдан ташкари) таглама (подстрочник) лар асосида амалга оширилган. Маълумки, таржима учун манба бўлиб хизмат килган тагламалар хеч качон бадиий асар ўрнини тўлалигича боса олмайди, айникса, шеърий асар бадийяти, нафосатини тўлалигича намоён кила олмайди.

Аслият ва таржималарни қиёсий ўрганиш натижасида таржималарнинг савиясига салбий таъсир кўрсатадиган энг мухим

жиҳатлар қуйидагиларда кўзга ташланади: а) аслият матнини яхши билмаслик натижасида йўл қўйилган камчиликлар; б) аслиятдаги мазмундан четлашиш, сўз ва иборалар таржималарида эркинликка йўл қўйилганлиги оқибатида рўй берган нуқсонлар;
в) мазмун ва мантиқдаги номутаносиблик ва аслият нашрларидаги ғализликлар оқибатида йўл қўйилган камчиликлар.

Мутаржим мумтоз адабиётимизда кўплаб учрайдиган шеърий санъатларнинг барча нозикликларини мукаммал билмаса-да, уларнинг қўлланиш ўрни ва усулларидан бохабар бўлса, ҳар қандай асар мазмунини бутун жозибаси ва гўзаллиги билан етказа олади. Акс ҳолда эса асар мазмунига ҳам, унинг мукаммаллигига ҳам путур етади. Бу шеърий санъатларни таржимада қўллашнинг имкониятлари чекланганлигидан келиб чиқади.

Тарихий асар нашр қилинганидан сўнг қанча кўп вақт ўтса, уни ўгирадиган таржимоннинг вазифаси шунча қийинлаша боради. Тарихий жой номлари ва ўтмишдаги воқеалар билан боғлиқ асарларни таржима қилиш йиллар ўтган сайин мураккаблашиб боради. Бу ҳолни Бобур шеъриятида қўлланилган талмеҳ санъати ва топонимик атамаларга нисбатан таржимонлар муносабатида ҳам кўриш мумкин. Ҳар қандай яхши таржимада камчиликлар бўлганидек, ёмон ўгирилган асарларда ҳам аслиятга мос ўринлар бўлиши табиий ҳолдир. Ҳеч қачон таржима аслият билан тенглаша олмайди. Маълум вақт ўтгач, яъни янги авлоднинг таржимага мурожаат қилиши, унга қўйилган талабларнинг ўзгариши каби турли омилларнинг таъсири натижасида янги таржимага эҳтиёж пайдо бўлади. Бундан Бобурнинг лирик мероси ҳам мустасно эмас. Бошқа халқларнинг лирик меросини ўз тилига ўгиришни мақсад қилган таржимонда, энг камида, ўша миллий шеърият ўзига хосликларидан бохабар ижодкор бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, Бобур шеърларининг рус тилига қилинган таржималари таржима назарияси қонуниятлари асосида шеърий бир бутунликни, фақат унинг асл мазмунигина эмас, балки услубини, образлар силсиласини ва эмоционал руҳини яхлитликда ишончли тарзда қайта тикланган дейишга тўла асос бор. Умуман олганда, таржимонларнинг бадиий-ижодий ёндашуви туфайли Бобур шеърлари рус китобхонларига шоирнинг бутун руҳини сингдирган ҳолда ўзига хос тарихий колорит ва ижодий синтез маҳсули сифатида тақдим этилган.

Н.Расулов (Ўзбекистон)

Мухаммад Солих Канбуйи Лахўрийнинг «Амали Солих» асари бобурийлар даври тарихини ўрганишдаги мухим манба

Захириддин Мухаммад Бобур 1526 йилда Хиндистонда хукмронлик килган Лўдийлар сулоласини тугатиб, янги – Бобурий (Могол) лар сулоласига асос солди. Бу сулола давомчиларидан бўлмиш Акбаршох (1542-1605) мамлакатни сиёсий ва маъмурий-худудий жихатдан мустахкамлаган бўлса, унинг ворисларидан Шохжахон мамлакат тарихида маданий ва меъморчилик ишлари билан мухим из колдирган.

Бобурийлардан Шохжахон даври тарихини ўрганишда бир канча ёзма манбалар мавжуд бўлиб, булар жумласига Иноятхоннинг «Шохжахоннома», Мухаммад Амин Казвинийнинг «Подшохнома» хамда Мухаммад Солихнинг «Амали Солих» сингари мемуар ва солнома асарлари киради. Ушбу асарлар Шохжахон хаётидаги асосий вокеаларни ўзида акс эттириши билан бирга даврнинг ижтимоий катламлари, мамлакатдаги сиёсий вокеалар хамда саройнинг Марказий Осиё билан хам маданий, хам иктисодий алокалари хакида батафсил маълумот беради.

Аксарият манбалар инглиз ва хинд тилларига таржима килинган бўлиб, улар орасида Мухаммад Солихнинг «Амали Солих» асари тадкикотчилар эътиборидан четда колмокда. Аммо кўплаб монография ва тадкикот муаллифлари тўгридан-тўгри асарнинг ўзига мурожаат килмокдалар. Ушбу манбанинг жахонда бир канча нусхалари мавжуддир. «Амали Солих» асари 3 та китобдан иборат бўлган Шохжахон даврини тўлик акс эттирган кўлёзма хисобланиб, асарнинг бир нусхаси ЎзР ФА Шаркшунослик институтида инв.12549 ракам остида сакланади. Манба факатгина Шохжахоннинг дастлабки ўн йиллигини акс эттирган.

Ўзбекистондаги манбанинг нусхаси хакида асосий кискача тавсиф ва маълумотлар С.Рьё, В.В.Бартольд, Ч.А.Стори, А.Мунзавий, Д.Юсупова ва бошка шаркшунос олимларнинг тавсифлари, тадкикот ва каталогларда учрайди.

Асарнинг ёзилиш тарихига оид бир канча маълумотлар

А.Мунзавий хамда ЎзР ФАШИнинг «Собрание восточных рукописей» тўпламларида келтириб ўтилган. Жумладан, А.Мунзавий асарнинг бир қанча нусхаларига тўхтаган ва Мухаммад Солихни «Баҳор дониш» асарининг муаллифи бўлмиш Иноятхоннинг шогирди деб таъкидлаган. Қолган барча қўлёзма тўпламларининг каталогларида хам шу каби маълумот қайд этилган.

Манбанинг Ўзбекистондаги нусхасига тўхталадиган бўлсак, маълумотлар асосан В.В.Бартольд (Отчёт о командировке в Туркестан Соч. М.: Наука, 1973. Т. VIII.), Д.Юсупова (Рукописные источники по истории Индии XVI-XVII вв. в фонде Института востоковедения АН РУз // Из истории культурных связей народов Центральной Азии и Индии. Ташкент: Фан, 1986) тўпламларида келтириб ўтилган. Ушбу асар хижрий 1070 (1659-1660) йилда ёзиб тугатилганлиги манбанинг 2 *а* варагида келтирилган.

Манбанинг ўзига хослиги шуки, унда нафақат Шоҳжаҳон даври батафсил ёритилган, балки унга қадар бўлган барча Бобурий-Темурий подшохларга тўлиқ таъриф бериб ўтилган. Жумладан, Шоҳжаҳоннинг отаси бўлмиш Жаҳонгиршоҳдан бошлаб то Амир Темургача бўлган барча подшохлар таърифланган. 14*а* саҳифасида Абу Са'ид Мирзога оид маълумотлар шундай бошланади:

ششم پادشاه سعید شهید سلطان ابو سعید میرزا

Ёки Акбаршохни қуйидагича таъриф билан бошлайди:

دوم پادشاه حضرت رعرش آشیانی جلال‌الدین محمد اکبر پادشاه غازی

Асарнинг ўзи 488 саҳифадан иборат, хинд когозига настаълик хати билан ёзилган.

Манбада Ўрта Осиё хонликларида содир бўлган вокеалар хакида хам турли маълумотлар берилган. Асарнинг 159*б* саҳифасида Аштархонийлардан бўлмиш Нодир Мухаммадхоннинг (1051/1642-1055/1645) Кобул ва Шоҳжаҳон салтанатининг бошка кичик шахарларига юриш килганлиги хакида маълумотлар келтирилган. Бундан кўриниб турибдики, «Амали Солих» асарини тадкик этиш Бобурийлар даври тарихий жараёнларини янада батафсил ўрганишга ёрдам беради.

Н.Абдуллаева (Ўзбекистон)

Бобурийлар сулоласига мансуб ижодкор аёллар

Захириддин Муҳаммад Бобур халқимиз тарихи, унинг маданиятида ёркин из қолдирган улкан давлат арбоби, моҳир муаррих, забардаст шоир, адабиёт билимдони. шунингдек, бобурийлар сулоласи асосчисидир.

Бобур таваллудининг 525 йиллигини кенг нишонлар эканмиз. Бобур ва бобурийлр хонадонига мансуб ижодкор аёлларни ҳам хотирга олиш жоиздир.

Кўҳна мозийдан хабар берувчи тарих зарваракларини варақлар эканмиз, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан бир қаторда буюк жасорат соҳибаларининг номлари ҳам тараннум этиб келинганининг гувоҳи бўламиз. Аёллар орасидан шавкатли ҳукмдорлар, оқила маслаҳатгўйлар, етук донишмандлар, забардаст олималар, сухандон шоиралар ва зукко санъатшуносдар етишиб чиққан. Чунончи, бобурийлар сулоласига мансуб аёллардан Бобуршоҳнинг қизи Гулбадан бегим – Шарқ аёллари ичра танҳо муаррих - ўзининг тенгсиз тарихий асари "Ҳумоюннома" билан, шунингдек, нафис байтлари билан, Бобурнинг яна бир қизи Гулчеҳра бегим ўз шеърий ижоди билан, Жаҳонгиршоҳ хотинларидан бўлмиш Нуржаҳон бегим (Меҳринисо), Ором бегим (Дилором), Ҳаёт бегим, Фано бегим (Фанонисо) лар ҳам ўз ғазаллари билан, Шоҳжаҳон ва Аржуманд бонунинг қизи Жаҳоноро бегим, Аврангзеб Оламгирнинг катта қизи, ақл ва идрокда тенгсиз, юксак шеърий истеъдод соҳибаси, назм мулкининг маликаси, маликалар ичра гўзали - Зебуннисо бегим ва кичик қизи Зийнат бегимлар оқилаю фозилалиги билан, гўзал байтлари билан элга машҳур бўлганлар. Шунингдек, бобурийлар авлодидан бўлмиш Раҳмонқулбий оиласида таваллуд топган. боз устига, бобурийлардан бўлмиш Амир Умархоннинг рафиқаси Нодира бегим – Моҳларойим ажойиб шеърлари билан ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ўзига хос ўрин тутган маърифатпарвар шоира, давлат арбоби, маданият ва адабиёт хомийси бўлган.

Юқорида исмлари келтирилган бобурий маликалар ҳақида ўзлари ёзган тарихий асарлари, шеърий ижодлари орқали, шунингдек, тазкиралар ва маъхазлардан сараланган маълумотлар орқали ўрганиб келинмокда.

Б.Х.Матбобоев, З.З.Маирабов
(Ўзбекистон)

Темурийлар даврида Андижонда шаҳарсозлик маданияти (археологик манбалар асосида)

Ўрта асрларда (IX-XVIII) Андижон шаҳрининг айниқса унинг XIV-XVI асрлар тарихи тўғрисида айрим археологик ва ёзма манбалар мавжуд. Тадқиқотчилар Андижон арки ва шаҳристонининг ўрни, деворлари, майдони ҳақида аниқ хулосаларга эгадирлар. Арк ўлчамлари 215-220 х 450-460 метр бўлиб, 10 гектар майдонда жойлашган бўлса, унинг шимолидаги шаҳристон эса 100 гектар жойни эгаллаган. IX-XIV асрларга оид қурилиш қолдиқлари ва бошқа ашёвий топилмалар Андижон Тиббиёт институтининг академик лицейи ўрнида ва жоме масжиди ҳовлисидан аниқланган.

Мўғуллар томонидан Ўрта Осиёни истило қилинганидан сўнг ҳам Андукон Мовароуннаҳрдаги йирик шаҳарлардан бўлиб қолаверган. Айниқса, Кайду Сахин ўғли Дувахон даврида шаҳарда сезиларли қурилишлар бўлган. У «Қуббат-ул-исломи Андижон»ни ҳар томонлама обод этди ва шаҳар Фарғона пойтахти бўлди (Бартольд В.В., 1965. С.534)

1377 йили мўғиллар ҳукмронлиги барҳам топгач, Андижон тарихида янги босқич-темурийлар салтанати даври бошланади. Амир Темур Андижон ва Ўзганни ўн икки тумани билан ўғли Умаршайхга берди. Бу вақтда Андижонда ҳоким қароргоҳи жойлашган эди (Бартольд В.В., 1965. С.326). XIV асрда қурилган шаҳар мудофаа деворлари археологлар (Ғ.Дадабоев, Б.Абдулғозиева, Б.Матбобоев) томонидан ўрганилган. 1981-1982 йиллари арк жанубий деворининг 40 метри, 2003 йили Ташкилот кўчасида уни бошқа бўлаги қазиб очилди. Деворнинг асосидаги қалинлиги 5,75 м, юқори қисмида эса 5,3 метр бўлган, сақланган баландлиги 2,2 м. Девор билан боғлиқ топилмаларга кўра у XIV асрда бунёд этилган. Ушбу мудофаа деворидан шаҳарликлар XVII-XVIII асрларда ҳам фойдаланганлар. Ёзма манбаларда бу девор ҳақида баъзи маълумотлар учрайди. Абд ар-Раззоқ Самарқандийнинг ёзишича, 799 хижрий ёки 1377-1378 милодий йили амирзода Умаршайх Андугонда мудофаа деворини қурдиради. Археолог В.Д.Жуковнинг хулосасига кўра, ушбу де-

вор Қорахонийлар даври маданий қатламлари устида бунёд этилган (В.Д.Жуков. 1951.С.74).

Бобур ва бобурийлар даври Андижон шаҳри ҳақида «Бобурнома»дан ташқари тўлиқ маълумот берувчи бошқа манба бўлмаса керак. Хусусан, Андижон-Фарғона вилоятининг пойтахти, ...рки Мовароуннаҳрдаги энг катталаридан бири эканлиги, унда учта дарвоза бўлганлиги, арк ва шаҳар алоҳида мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги тўғрисида қимматли маълумотлар тўпланган.

XVII-XIX асрлар археологик материаллари шаҳарнинг кўп нуқталарида учрайди. Археологик жиҳатдан Тутзор, Иттифоқ, Сўжоат, Қизил Шарқ кўчаларида солинган шурфларда қайд этилган.

Демак, ёзма манбалардаги Андижон ҳақида маълумотлар археологик қазишмалар билан янада тўлдирилмоқда. Хусусан, шаҳарнинг ўрта асрлардаги таркибий тузилиши (арк, шаҳристон ва рабод) ҳақида ишончли маълумотлар тўпланди. Буларнинг барчаси бизларнинг IX-XIX асрлар Андижон шаҳри ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади. Андижон–темурийлар салтанатининг шарқий сарҳадларидаги муҳим стратегик, иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлиб қолди.

BABUR INTERNATIONAL FOUNDATION

Abstracts of the papers to the International Conference "*Babur and Baburids in the History of World Culture*"

Tashkent
"Fan" Publishers of Academy of Sciences
of the Republic Uzbekistan
2008

Compiled for printing by:
S.HASANOV, O.ALIMOV.

Editors-in-Chief:
G.SATIMOV, A.IBRAGIMOV.

Editorial Board:
A.KAYUMOV, T.MIRZAEV, D.ALIMOVA,
H.KUDRATULLAEV, S.KARIMOVA,
H.BOLTABOEV, H.DADABOEV.

ISBN 978-9943-09-645-5

© "Fan" Publishers
AS RUz, 2008.

FOREWORD

Zahir ad-Din Mohammed Babur was a versatile personality with an encyclopaedic intellect. His stamina, acute mind, refined taste, gentle heart and diversified activities are indeed amazing. He was a great statesman, soldier, talented scholar, remarkable poet, a great connoisseur and patron of the arts and a passionate patriot. Babur was least of all interested in the throne and his main concern was to create a centralized state which would ensure the country's prosperity. Harold Lamb, an American researcher of Babur, wrote in 1960: "...Babur, like Ulughbek in Samarkand, conceived himself to be not a reigning monarch but one who had undertaken to carry out the responsibility of kingship. His unique career was shaped by his character. And that character laid its impress on the Moghul Empire for the century of grandeur that began with Akbar".

Thanks to his outstanding intellect and energy Babur succeeded (in India if not in Maverannahr) to establish a centralized state which played an important role in the history of India.

Babur lived a short life but left behind a considerable literary and scientific heritage. He wrote in his native Uzbek language and also in Persian-Tajik. He also wrote pamphlets on music and the art of war. Babur Mirza was a great poet and literary man, owner of encyclopaedic knowledge, and at the same time a skilled military leader and a great statesman. His poetic divan, some scientific and literarily perfect works as "Babur-Nama", "Aruz risalasi", "Khatti Baburi", "Mubayyin", "Risolai volidiyya" (translation) have reached us. Each of these works establishes important stages in the development of Uzbek poetry and prose and at the same time is a great contribution to the development of literary-scientific thought. They remain sources which contain invaluable information on the history, geography, ethnography, fauna, flora, nations, and the profession, language, lifestyle and other peculiarities of the peoples of Central Asia, Afghanistan and India of the end of the fifteenth and the beginning of the sixteenth centuries. Standing out among these works is the famous "Babur-Nama" (Book of Babur) also known as "Memoirs". "Babur-Nama" is a recognized model of the Uzbek classical prose of the Temurid period and an outstanding masterpiece of the Uzbek literary language of the beginning of the sixteenth

century. Babur wrote his memoirs in a plain yet brilliantly laconic and understandable style.

"Babur-Nama" is not only a piece of historical work. It also reflects many scientific achievements of several sciences (geography, flora, fauna, ethnography, military tactics, etc.) of that time. Babur was interested in mountains and ravines, lakes and rivers, various plants and animals, surface and underground resources of different territories and continents, peoples' customs, traditions, languages, literature and arts living there, origins of some words, etc. The author observed and studied all of them without fail, collected information from people of different professions.

In "Babur-Nama", the nature, agriculture, science, culture and other aspects of countries and states together with their political history were depicted thoroughly. For example, when the author described Kabul, he presented detailed and valuable information about its geographical location, borders, meadows, plants and fruits, lakes and rivers, people and their professions, customs and traditions, languages, trade affairs, etc.

In "Babur-Nama", such kinds of information are so common that specialists of all fields of sciences can benefit from them.

Because of the truthfulness of facts, historians can obtain important information specific to the history of that time Asia, Khurasan, Afghanistan and India, naturalists can find news about these countries' topography and economic geography, zoologists can gain knowledge and imagination concerning to these countries' world of animals, plant studiers get information about the kingdom of plants, ethnographers come across interesting details about the lifestyle and traditions of various people living there, linguists can embody the condition of the Uzbek literary language of that time, while literary critics imagine the literary environment of the period.

With such features, "Babur-Nama" has attracted the attention of many scientists of different specialties throughout the world for a long time and been highly estimated by them.

Moreover, "Babur-Nama", as abovementioned, is also considered a wonderful prosaic piece of work and a masterpiece of the Uzbek literature. The main descriptive theme of "Babur-Nama" is historical events. But Babur was not restricted with just counting out the events or giving information about them. He also skillfully

described the scene of historical events, the inner and outer worlds of historical persons, and provided colourful details of the vivid and inimitable nature. Additionally, the author narrated different adventures, legends and anecdotes with entertaining and attractive literary styles, decorated his book with folk humour, sayings, phrases and poetic passages. He made an appropriate use of various types of literary styles and means of language.

The sequence of occurrences in "Babur-Nama" develops through various conditions and contradictions. They are connected with each other through the personality of Babur who directly participated in them and reach peculiar culmination and find their solution. By means of such characteristics, "Babur-Nama" enjoys, excites and entirely attracts the reader's attention.

Shortly, Babur is one of the eternal word-painters who added enormous contribution to the development of the Uzbek literature. He created both in poetic and prosaic styles. He wrote books concerning to metrical theory, rhyme, military march, Islamic laws and economy together with literally solid and profoundly meaningful pieces of work.

History science both in the East and in the West has numerous works on the progressive significance of the Baburid rule in India. However, in assessing Babur's activities and those of the Baburids in terms of historical credit, negative attitude to the past surrounded all aspects of our life, textbooks in use were influenced by that effect as well.

Such kind of wrong and unfair viewpoints about our great ancestors who lived in the long past and contributed enormously to the development of science, literature and art began gradually changing for the better from the late of the 1980's.

President Islam Karimov, during his travel to Andijan on October 4th, 1994, paid a visit to the monumental complex built in the National Park named after Babur and wrote down the following memoirs in the "Book of Memories":

"It is worthy to be endlessly pride of our forefather Zahir ad-Din Mohammed Babur. Being one of our great ancestors who shared the glory of the Uzbek nation with the world, this honourable person taught us to value our history and look at the future with a great confidence.

The establishment of the National Park under the name of Babur Mirza, symbolic mausoleum of the poet and "Babur and the World Culture" Museum is a new glad tidings in the history of our nation and a good step taken toward the time of freedom.

The nation that has given the world such classical personalities as Zahir ad-Din Mohammed Babur never becomes debased, on the contrary, surely reaches the point of happiness.

May the good deeds of the people of ancient Andijan become profuse and a lesson for our other compatriots.

I thank sincerely those who started immortalising the personality of our forefather Babur Mirza".

President Islam Karimov's abovementioned words to the personality of Babur Mirza are a shining example of high respect of our people to our immortal values, scientific and literary heritage that our great ancestors have left to us.

The creative work of Babur, the poet and the scholar that our people have valued for centuries, by now has served and is serving as an organic link for the long historical attitudes between Central Asian and neighbouring Afghan and Indian people. Today, his creative heritage is being thoroughly studied not only by a number of researchers of the world but by the Afghan and Indian researchers, Pakistani and Bangladeshi scientists as well. The creation of numerous scientific works, stories, novels and feature films, and the establishment of museums especially deserve attention. Overall study and propaganda of all of them is one of the important tasks that our scientists must fulfill.

If we say with our president Islam Karimov's phrase: "While mankind exists, he wants to know his generation and ancestors, and the history of his country".

Truly, the independence has given us wide opportunities to study this ancient and unrepeatable history, and to understand ourselves profoundly. Today, we are succeeding to share with our community and entire nation the secrets of the activities and priceless heritages of our great ancestors as Zahir ad-Din Mohammed Babur who added incomparable contribution to the world science and culture.

Z. Mashrabov (Uzbekistan)

The heritage of Babur and Baburid princes: summary report on expeditions and perspectives

After gaining Independence in the Republic of Uzbekistan there appeared a possibility of founding International Babur Foundation. Its purpose was to immortalize the memory of the great statesman and poet Zahiriddin Muhammad Babur and further investigation his rich scientific and cultural heritage.

During the last 16 years of its existence the Foundation has organized a national park in Andijan, a symbolic tomb of Babur has been reestablished there and two sculptural monuments to Babur have been erected next to it and a museum "Babur and World Culture" has been founded in the city.

During the last years with the purpose of finding and investigating the historical and literal sources about Temurid kings, about Babur and Baburid princes 12 scientific expeditions to 30 counties have been organized and more than 300 unique historical documents and sourses have been brought to the country and are demonstrated in the museum "Babur and World Culture".

The results of the expeditions of the International Babur Foundation have been recorded in several reminiscences, special scientific and cognitive documentaries.

During the scientific expeditions which have been organized since 1992 the members of the International Babur Foundation have been to several countries covering the territory from Africa to Indo-Chinese Peninsula and have collected rich historical, scientific and literal material dealing with Babur and his prominent dynasty. The results of investigations of these expeditions have permanently been reported to the attention of wide circle of scientists and investigators in Uzbekistan and abroad.

As a result of researches in this field 24 films and videos about our compatriots abroad have been shot. These films are about Temurid kings, about Babur and Baburid princes, about encyclopedic scholars such Abu Ali ibn Sino, Forobiy, Al-Beruniy, and about great kings as Mahmud Gaznaviy, Hussain Boyqaro, about classic poets as Lootfiy, Navoiy, Mashrab, Hofiz Horazmiy, Atoiy, about their life, creative

activities of intelligent people of that period and about the tombs where they were buried.

In accordance with the assignment of the President of the Republic of Uzbekistan and the Decision of the board of Oliy Majlis one of the expeditions was devoted to the restoration of tomb of the classical poet Lootfiy and a grave stone on his tomb has been erected. A special video has been shot in this act.

Devoted to its traditions gathered during the last 16 years of its existence the International Babur Foundation is intended to keep on searching and collecting new materials about the life and activities of Babur and Baburid princes in the museums, libraries, private collections and manuscript funds of foreign countries and doing so the Foundation is going to make a definite contribution to the precious depository of learning of the Uzbek people.

During the forthcoming expeditions the Foundation is aimed at finding manuscript list of works written by Babur on music, military work, and also the lost pages of his memoir "Baburnama" and introduce them to wide circle of scientists, scholars and investigators.

Eiji Mano (Japan)

On *The Collected Works of Babur* preserved at the Saltanati Library in Tehran

I would like to talk about a unique manuscript preserved at the Saltanati Library in Tehran, Iran. I wish to call the manuscript *"The Collected Works of Babur."*

The existence of a manuscript related to Babur in Tehran and the outline of its content have been known to the academic community for quite some time. The first report of the existence of the manuscript was a brief mention by the Turkish scholar Z. V. Togan. The next person to address the manuscript was the Iranian scholar B. Atabay, whose catalogue of the manuscripts housed in the Saltanati library devoted four pages to the subject.

However, all that could be learned from these two reports was but a summary of the contents of the manuscript. Moreover, the

number of scholars who had an opportunity of direct access to the manuscript was extremely limited.

As a result of these circumstances, speculation of various sorts regarding the manuscript circulated in the academic world. Among these, perhaps that, which attracted the most attention, was that of Prof. Tursun Sultanov of Russia. Relying on the description in Atabay's catalogue, Prof. Sultanov repeatedly stated the speculation that the *Babur-nama*, found in the manuscript, had likely been composed in the lifetime of Babur and was thus invaluable. If such a manuscript were shown to exist, the present academic consensus (the consensus that no manuscript composed in Babur's lifetime was extant) would be utterly shattered.

The Saltanati library manuscript related to Babur was already known to the academic world. However, of the contents of the manuscript there are some misunderstandings among the scholars.

The five works of Babur included in the manuscript are: 1. *Mubayyin*, 2. *A* treatise that should be termed the *Five hundred and four rhythms*, 3. *'Arud risalasi*, 4. *Babur-nama* and 5. *Validiya risalasi*. It should be noted that Babur's own collection of poetry, the *Divan* is not included in the manuscript. It would thus be inappropriate to refer to the manuscript as the *Kulliyat-i Babur*, or *The Complete Works of Babur*.

The manuscript is made up of 1036 pages on 518 folios.

India between the years 1589 and 1603 seem to be the location and date of the composition of the *Collected Works of Babur*, not the erroneous 935 (1528-29) recorded in Atabay's catalogue of manuscripts and repeated by Prof Sultanov. The year 935 does not mark the completion of the *Collected Works of Babur*, but, is, instead, the date found in the concluding remarks of the *Validiya risalasi* indicating the date of the completion of that work.

The *Collected Works of Babur* contains many disordered pages and major omissions of others, probably incurred during the process of binding the work. Despite these flaws, it is an important manuscript given the fact that the remaining portion constitutes a relatively early redaction and that it contains the *Five hundred and four rhythms*.

Given its significance, it is hoped that a facsimile of the entire manuscript will be published at the earliest possible date.

Dr. Tanju Oral Seyhan (Turkey)

The social political views of Baburhsah

The fame of Babursha h is that he is distinguished with humanness, justice, aspiration to glorify people and their equality. Although he ruled the state which was destroyed and full of internecine wars, finally he managed to unite the odd Turkic peoples.

The social political views of Babur are as follows: The state policy—social state: 1. Respect for citizens' rights; 2. Rendering assistance and doing good to people; 3. Social state – the interrelation of the system.

Democratic state control over the power; 2. The interrelation with the people; 3. Knowledge and scientific method.

The legal state: 1. Holding truth and adopting good laws; 2. The superiority of law; 3. The observance of the primitive bases of law; 4. The interrelation of justice with social welfare.

The deserving state: 1. Controlling of the state and religion by each other. 2. The votary of the state—the votary of religion. 3. The interrelation of the state and religion is regulated by four main and only heads. This order that was used under unified regulations in the history is underlined "Qutadg'u Bilig" (the name of the books) in detail.

These four rules being closely related to each other are described in the works of Babur, the details of which we are going to cover in the report in the conference.

Prof. Bilol Yucel (Turkey)

The peculiarities of the Oguz-Turkic words in the divan of Babur

Zahiriddin Muhammad Babur being a state figure ranked in the development of culture, literature and language and is considered to be one of the outstanding personalities in world history. He was an outstanding expert in many areas of science, starting from history and finishing with Turkic language which he raised to the classical level. That's why his works are encyclopedias not only in Chigatay, but also

in all the literature of the Turkic language peoples.

As a person carrying out a research in the poetry, I would like to underline the specific points of peculiar Oguz-Turkic words in the divan of Babur.

They are the following:

1. In the Divan of Babur along with "бўл" helping verb its "ўл" form, a synonym in Oguz-Turkic language was used.

2. The substitution of "к" consonant to "х" is performed in the example of Turkic Qarahanli. Some examples of such a substitution of Azerbaijani Turkic language that is considered to be an Oguz dialect are given in the follwing way:

ахтардим (29/5б), ахтармағил (528б), ўхшамас (1/4б), ўхшар (32/6а), ўхшатсам (57/5б), ўхшатти (207/1б), кўнглини сахлар эмиш (58/5б), хотиримни сахласа (106/2б), яхши (4/62а), яхшидур (59/4а), яхшилиғ (24/1-6б), яхшилиғқа (127/23б), йўхса (124/3а) and others.

3. The addition of the person synonym of Oguz-Turkic language in the formation of a verb

жон берурам (335а), истарам (16/3б), кўркарам (94/5б), билмен (112/4б), билманам (420/1а), ерга бош чалман (85/4б), деман (15/1а), кўрман (112/4а), топман (119/1-6б), бора олман (23/4а), хаёл эта олман (400/2а), кеча ломан (11/1б), кун кўра олман (85/1б), топа олман (111/4а), чекмишам (362б), бемор ўлмишам (128/5а) and others.

4. The consonant "т" in the first syllable was written with "д" in the following words

Деди (4/1б, 108/10а, 129/39аб...), дега сиз (129/63б), демагил (4/12б, 140/2а, 226/2а), дебтурлар (408/1а), деса (10/5б, 86/6а, 89/5а...), дей (49/5б, 68/1-5б, 76/1б...), танга дегру (30/4б, 39/4б, 68/2б)

The aforesaid views are peculiar points of Oguz-Turkic words, the details of which will be covered in the report during the conference.

HISTORY AND SOURCE STUDY OF BABUR'S EPOCH

G. Satimov (Uzbekistan)

The beginning of a new age

The establishment of Babur's reign in Cental Asia, Afganistan and in India (1526) can rightfully be considered as the beginning of the modern and the ending of the medieval period in the history of these countries. It cannot be denied that a new age began, especially in Indian history, with the establishment of Mughal rule in India. It was rightly a turning point in the history of these countries.

It is pointed out that before the Mughals, the Muslim rulers of Delhi called themselves the Sultans and they recognized the authority of the Caliph. The Mughal rulers beginning with Babur repudiated the authority of the Caliph and called themselves Padshah. They took up titles which were formerly used by the caliph alone. The Mughal rulers started the system of Jarokhai Darshon.

Before the Mughals, a number of social, religious and political disabilities existed but the situation transformed itself. The Mughal rulers were the harbingers of a new policy in this direction. This may be described as liberal policy. A beginning was made by Babur who did not treat the Afgans and Rajputs harshly even after their defeat. Babur married two of his sons to the daughters of Raja Medini Rao. There was a virtual revolution in this field in the time of Akbar. By this treatment Hindus in general and Rajputs in particular, he was able to win them over and it is they who fought for his glory and greatness even against their co-religionists.

There was also an unprecedented growth in the field of fine arts. During the Sultanate period, no encouragement was given to painting but Babur and his descendants made painting a living art by means of royal patronage. There was a virtual revolution in this field. It is true that architecture was not completely ignored by the Sultans of Delhi, but the contribution of the Mughals was unique in this field. Moreover, Mughal architecture represents a happy synthesis of Indo-Muslim art traditions. Music also received a lot of encouragement during the Mughal period. Such a thing did not exist in the Sultanate period.

During the Mughal period, there was a greater spirit of toleration between Muslims and the Hindus. That was partly due to the fact that the Hindus and Muslims came into closer contact with each other in different walks of life. That created feelings of sympathy, respect, accommodation, and toleration for each other.

